*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 88 (5779).
15 АПРЕЛЬ 1985 й.
ДУШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

# КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

**КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети 1985 йилнинг 7 мартида «1986—1990 йилларда ва 2000 йилгача бўлган даврда аҳолининг буюртмалари билан уй-жойларни, боғдорчилик ширкатлари учун иморатларни, гаражлар ҳамда бошқа иморатларни ремонт қилиш ва қуриш соҳасидаги хизматларни ривожлантириш тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилдилар. Бу қарор 1986—2000 йилларда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ва маиший хизматни ривожлантириш комплекс программасининг таркибий қисмидир.**

Қарорда қайд этиладики, совет халқининг фаровонлиги юксалганлиги натижасида аҳолининг уй-жойларни (квартиралар, уйларни) ремонт қилиш, қуриш, яхшироқ пардозлаш ва жиҳозлаш бўйича богдорчилик ширкатлари учун иморатлар, гражданларга тегишли транспорт воситаларини учун гаражлар ва шундай воситалар қўйиладиган жойлар ҳамда бошқа иморатлар қуриш соҳасидаги хизматларга бўлган талаб-эҳтиёжи анча ошди. Шу билан бирга бундай хизматларга бўлган талаб-эҳтиёжлар тўла қондирилаётгани йўқ.

Иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетларига, ўлка, область, шаҳар ва район партия комитетларига, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советларига, халқ депутатлари ўлка, область, шаҳар ва район Советларининг ижроия комитетларига, министрликлар ва идораларга, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга аҳолининг буюртмалари билан уй-жойларни (квартиралар, уйларни) ремонт қилиш, қуриш, яхшироқ пардозлаш ва жиҳозлаш ишларини ташкил этишни яхшилаш ва янада ривожлантириш борасидаги тадбирларни ишлаб чиқиб, амалга ошириш топширилди.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига 1986—1990 йилларда гражданларнинг маблағлари ҳисобига уй-жойларни (квартиралар, уйларни) ремонт қилиш, якка тартибдаги уй-жой биноларини, гражданларга тегишли транспорт воситалари учун кооператив ва якка-якка гаражлар (бир ва икки қаватли) ҳамда шундай воситалар қўйиладиган жойлар қуриш соҳасидаги хизматларни бажариш юзасидан топшириқлар белгиланди.

СССР министрликлари ва идораларига шу давр учун гражданларнинг маблағлари ҳисобига идораларга қарашли турар жой фондининг уй-жойларини (квартиралар, уйларни) ремонт қилиш борасидаги хизматлар ҳажми белгилаб қўйилди.

СССР Госпланы ва СССР Госснабы ушбу қарорда белгиланган топшириқларни бажариш учун иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига, СССР министрликлари ва идораларига моддий-техника ресурслари ажратиб берилишини йиллик планларда кўзда тутишлари лозим.

Ремонт-қурилиш ишларини бажариш, квартиралар (уйлар)ни пардозлаш ва жиҳозлашда ишлатиладиган материаллар ва буюмларни тайёрловчи СССР Бинокорлик материаллари саноати министрлиги, СССР Ўрмон, целлюлоза-қоғоз ва ёғочсозлик саноати министрлиги, Химия саноати министрлиги ҳамда СССРнинг бошқа министрликлари ва идоралари ана шу материаллар ва буюмларнинг хилини кўпайтириш ҳамда уларнинг сифати ва ташқи кўринишини янада яхшилаш тадбирларини амалга оширишлари, уларнинг зарур миқдорда ишлаб чиқарилишини таъминлашлари шарт.

СССР Госснабига, СССР министрликлари ва идораларига, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига 1986 йилдан бошлаб гражданларнинг маблағлари ҳисобига квартиралар (уйлар)ни ремонт қилиш, қуриш ишлари ҳамда уларни яхшироқ пардозлаш ва жиҳозлаш ишлари учун юқори сифатли материал ва буюмлар биринчи навбатда ажратилиши ҳамда ажратиб берилишини таъминлаш топширилди.

СССР Госснабининг территориал органлари ана шу материаллар ва буюмларни номенклатура бўйича комплект ва сортамент ҳолда етказиб бериши, шунингдек маҳсулот тайёрловчи корхоналар бундай материал ва буюмларни ремонт-қурилиш ишлари ҳамда квартиралар (уйлар)ни яхшироқ пардозлаш ва жиҳозлаш бўйича богдорчилик ширкатлари учун иморатлар, гражданларга тегишли транспорт воситалари учун гаражлар ва шундай воситалар қўйиладиган жойлар ҳамда бошқа иморатлар қуриш соҳасидаги хизматларга етказиб бериши устидан контролликни таъминлашлари лозим.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари, СССР министрликлари ва идоралари гражданларнинг маблағлари ҳисобига пудрат усулида якка-якка уй-жойлар, боғдорчилик ширкатлари учун иморатлар, кўп қаватли ва ер ости кооператив гаражлари қурилишини таъминлаш топширилди.

СССР Госпланига иттифоқдош республикалар Министрлар Советларининг йиллик планлари лойиҳаларида шу мақсадлар учун капитал маблағлар, қурилиш-монтаж ишлари ва пудрат ишлари ҳажмларининг лимитларини кўзда тутиш топширилди.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари планларнинг лойиҳаларини ишлаб чиқиш чоғида қурилиш-монтаж ва ремонт-қурилиш ташкилотларига эга бўлган СССР қурилиш министрликлари, шунингдек СССР министрликлари ва идоралари билан мазкур хизматларнинг ҳажмини келишиб олишни таъминлашлари ҳамда планларни лойиҳалари билан бир вақтда тегишли таклифларни СССР Госпланига тақдим этишлари лозим.

Иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советларига, СССР министрликлари ва идораларига ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетларига кўп қаватли ва ер ости кооператив гаражларини қуриш учун марказлаштирилган фондлар ҳисобидан ажратиб бериладиган материалларга қўшимча равишда зарур моддий ресурсларни (шу жумладан маҳаллий бинокорлик материаллари) қидириб топиш тўғрисида кўрсатма берилди.

Гражданларнинг буюртмалари билан уй-жойларни ремонт қилиш ва қуриш, боғдорчилик ширкатлари учун иморатлар, гражданларга тегишли транспорт воситалари учун гаражлар ва шундай воситалар қўйиладиган жойлар ҳамда бошқа иморатлар қуриш борасидаги ишларни одатда бунинг учун зарур ишлаб чиқариш базасига эга бўлган ихтисослаштирилган ремонт-қурилиш ташкилотларининг кучи билан амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари, СССР министрликлари ва идоралари мақсадга мувофиқ деб топилган жойларда қарорда кўзда тутилган ремонт-қурилиш хизматларини бажариш учун мазкур ташкилотларни, шунингдек хўжалик ҳисобидаги ремонт-қурилиш участкаларини тузишни таъминлашлари лозим.

СССР Госстройи иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари билан биргаликда аҳолининг буюртмаларига мувофиқ ишларни бажарадиган ихтисослаштирилган ремонт-қурилиш ташкилотларини қурилиш машиналари, механизмлари, ускуналар, асбоблар ва транспорт воситалари билан, шунингдек мазкур ташкилотларнинг ходимларига нормал ишлаб чиқариш ҳамда санитария-маиший шароитларни таъминлаш учун маиший ва ишлаб чиқариш инвентар бинолари билан таъминлаш нормативларини 6 ой муддат ичида ишлаб чиқиб, СССР Госплани ва СССР Госснабы билан келишган ҳолда тасдиқлаши шарт.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига, СССР министрликлари ва идораларига йиллик планларда ихтисослаштирилган ремонт-қурилиш ташкилотлар учун тасдиқланган нормативларга мувофиқ кўрсатиб ўтилган қурилиш техникаси, асбоблар, транспорт воситалари ва инвентар бинолар ажратиб берилишини кўзда тутиш топширилди.

**(Давоми учинчи бетда).**

# Совет кишилари турмушида янги урф-одат ва маросимларни қарор топтирайлик

## ТОШКЕНТДА БУТУНИТТИФОҚ СЕМИНАР-КЕНГАШИ

**13 апрель куни Тошкентда очилган Бутуниттифоқ семинар-кенгаши диний маросимлар ва анъаналарга қарши курашда янги совет байрамлари ва урф-одатларининг ролини кучайтириш масалаларига бағишланди. Семинар-кенгашда мамлакатнинг қардош республикаларидан келган партия ходимлари, таниқли олимлар, маданият арбоблари иштирок этмоқдалар.**

Семинар-кенгашни КПСС Марказий Комитети бўлими мудирининг ўринбосари П. К. Лучинский очди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев «Совет кишилари турмушида социалистик анъаналар, байрамлар ва урф-одатларни қарор топтириш — идеология ишининг муҳим йўналиши» мавзуида доклад қилди. У КПСС ўзининг амалий фаолиятида идеология ишини меҳнаткашларнинг ортиб бораётган маънавий талаб-эҳтиёжларини ҳисобга олиб, уларнинг энг муҳим ишлари ва юмушлари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда олиб бориш зарурлиги тўғрисидаги Ленин васиятига муттасил амал қилиб келаётганлигини таъкидлади. Партия XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети 1983 йил июнь, 1985 йил март Пленумларининг ҳужжатлари ва материалларида уқтириб ўтилганидек, мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш инсоннинг ўзини ҳам камол топтиришни, унинг турмуш ва меҳнат шароитлари сифат жиҳатдан яхшиланишини, маънавий қиёфаси такомиллаштирилишини талаб этади.

Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасидаги кўп қиррали фаолиятида партия совет турмуш тарзининг, жамият маънавий маданиятининг ажралмас хусусияти бўлиб қолган янги социалистик анъаналар, урф-одатлар, байрамлар ва маросимларни шакллантиришга ҳамда улардан моҳирлик билан фойдаланишга катта аҳамият бермоқда. Буларда коммунистик идеалар, кишилар ўртасидаги социалистик ўзаро муносабатлар чуқур аксини топмоқда.

Ривожланган социализм шароитида совет байрамлари ва урф-одатлари муҳим социал ва маданий идеологик вазифаларни бажармоқда, авлодлар алоқасининг, революцион жанговар ва меҳнат анъаналарини давом эттиришнинг доимий бўғини бўлиб қолмоқда. Улар партия идеологик ишининг муҳим қисми бўлиб, меҳнаткашларнинг коммунистик дунёқарашини шакллантиришда муҳим роль ўйнамоқда. Жаҳон майдонида идеологик кураш кучайганлиги муносабати билан янги анъаналарни, социалистик маросимларни ривожлантиришга тааллуқли масалалар алоҳида аҳамият касб этмоқда. Буржуа пропагандаси совет кишиларининг онгида шубҳали бидъатларни жонлантиришга, миллатчилик идеологиясининг заҳарли уруғини сочишга, халқимизнинг метиндек бирлигини бўшаштиришга умид боғламоқда. Шу боисдан ҳам янги социалистик маросимларни илмий ишлаб чиқиш ва турмушга жорий этиш проблемаларига доимо эътибор бериб келинмоқда.

Совет воқелиги шароитида ССР Иттифоқи халқларининг кўпгина илғор анъаналари бир-бирини бойитмоқда, деди докладчи. Илғор миллий анъаналарнинг диалектик жиҳатдан қўшиб олиб борилиши, уларнинг интернационал анъаналарга айланиши етук социалистик жамияти маънавий маданиятини ривожлантиришнинг муҳим қисми бўлиб қолди. Совет ҳокимияти йиллари мобайнида эришилган социал тараққиёт, экономика ва маданиятнинг мисли кўрилмаган даражада ўсганлиги ўзбек халқининг маънавий қиёфасини, унинг миллий онги ва миллий психологиясини ҳам тубдан ўзгартириб юборди. Илмий дунёқараш, марксча-ленинча идеология миллионлаб кишиларнинг онгидан дин оғусини чиқариб ташлади. Буларнинг ҳаммасида республика партия ташкилоти ўтказиб келаётган собитқадам тарбиявий иш муҳим роль ўйнади, лекин шунга қарамай, биз ҳали кўп иш қилишимиз керак. Янги урф-одатлар ва маросимларни пропаганда қилиш ҳамда уларни меҳнаткашларнинг турмушига жорий этиш юзасидан область, шаҳар ва район жамоатчилик комиссиялар ташкил этилган, корхоналарда шу масалалар билан шуғулланувчи кўмаклашиш группалари, комиссиялар ишлаб турибди. Маданий-маиший комплекслар катта роль ўйнамоқда. Республика қишлоқларида бир юз етмишдан кўпроқ шундай комплекс мавжуд.

Шу билан бирга янги маросимларни жорий этиш борасидаги ишларда ҳали жиддий камчиликлар бор, тарбия ишини чуқур қайта қуриш талаб этилади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми шуни уқтириб ўтди. Пленум дабдабабозликни, беғамликни қатъиян қоралади, кишилар онгидаги ўтмиш сарқитларига етарли баҳо бермаслигининг хатарли экани лигини кўрсатиб ўтди ва ана шундай сарқитларга қарши қурашнинг ҳужумкорлиги ҳамда таъсирчанлигини кучайтиришни талаб қилди. Партия ташкилотлари давлат байрамлари ва революцион байрамлар, унутилмас саналар билан боғлиқ ижтимоий-сиёсий маросимларни ривожлантиришга ҳамда уларнинг тарбиявий потенциалини оширишга биринчи даражали аҳамият бермоқдалар. Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига, КПСС XXVII съездига, стахановчилик ҳаракатининг 50 йиллигига тайёргарлик бу ишга алоҳида омил бахш этди.

Ўзбекистонда замон синовидан ўтган, доно, эзгу ва ибратли жиҳатлари кўп бўлган меҳнат анъаналари замонавий асосда қайта тикланмоқда. Масалан, ҳашар — шулар жумласидандир. Ҳозирги вақтда ҳам одамлар бир ёқадан бош чиқариб, биргаликда қўлбола дарёлар ва денгизларни вужудга келтиришда, юзлаб болалар муассасалари ва маданий-маиший муассасалар барпо этишда ёрдам бермоқдалар. Қисқа муддат ичида Катта Фарғона канали, Фарҳод ГЭСи ва кўпгина бошқа объектлар барпо этилганлиги минглаб кишилар аҳиллик билан ишлаганлигининг якуни бўлди.

«Лола сайли», «Қовун сайли», «Наврўз байрами» каби байрамлар янги оҳанг касб этди. Пахтакорларнинг огир меҳнатини шарафловчи «Пахта байрами» каби ана шу байрамлар ҳам меҳнат байрамларига айланди. Шу кунларда социалистик мусобақа ғолибларини мукофотлаш, ветеранларни, ёшларнинг мураббийларини шарафлаш, ҳаваскор артистларнинг концертларини уюштириш, спорт мусобақаларини ўтказиш яхши анъана бўлиб қолди. Буларнинг ҳаммаси, деди докладчи, одамларга қувонч ва маънавий қониқиш бағишламоқда. Республикада таркиб топган меҳнат маросимлари, урф-одатлари, анъаналари системаси меҳнат ғайрати ва сиёсий активликни ўстиришга, халқимизнинг маънавий-сиёсий бирлигини мустаҳкамлашга кўмаклашмоқда.

Семинарда сўзга чиққан Украина ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. А. Орлик, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий фанлар академияси Илмий атеизм институти директорининг ўринбосари Э. Г. Филимонов, КПСС Таджикистон область комитетининг секретари Р. К. Беляев, Туркманистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Р. А. Бозорова совет урф-одатларини илмий урф-одатларга қарши қўйишгина эмас, балки диний урф-одатларни турмушимиздан тамомила қисиб чиқариш янги совет урф-одатларининг энг муҳим вазифаларидан биридир, деб таъкидладилар. Социалистик урф-одатлар — ўтмиш сарқитларига қарши самарали кураш воситаси, катта маънавий, атеистик куч бўлиб илмий-атеистик гарбия самарадорлигини юксалтиришга ёрдам бермоқда.

КПСС Қорачой-Черкасия область комитетининг секретари С. Х. Семенов, Қирғизистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Д. Ч. Ташибекова, КПСС Қабарда-Балқария область комитетининг бўлим мудири Ю. Х. Шурдумов, Тожикистон ЛКСМ Марказий Комитетининг секретари А. Н. Норматов, РСФСР «Билим» жамияти правлениеси раисининг ўринбосари М. С. Хромова меҳнаткашларни, биринчи навбатда ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш ишида янги совет байрамлари ва урф-одатларни алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда, деб таъкидладилар. Анъанавий бўлиб қолган уч авлод учрашувлари, ишчиликка ўтказиш, армияга кузатиш, паспорт топшириш ва бошқа тантанали маросимларни янги жамият қурувчиларини актив ҳаётий позицияда туришни шакллантирувчи, социал активлик ва бошқа юксак ғоявий-сиёсий ҳамда маънавий сифатларни ўстирувчи кучли омиллар бўлиб қолди.

КПСС Адигей область комитетининг секретари А. С. Кушу, Қозоғистон Компартияси Жезқазган область комитетининг секретари К. З. Закирянов, Грузия Компартияси Ажария область комитетининг секретари Н. А. Гугунава, Озарбайжон касаба союзлари Советининг секретари Н. С. Фаталиев, Москва Советининг бўлим мудири С. И. Кулаева социалистик идеалларни, ижтимоий турмуш нормаларини қарор топтириш, реал социализм буюк ютуқларини пропаганда қилишда совет байрамлари ва урф-одатлари ролини ошириш зарурлиги тўғрисида гапирдилар. Янги анъаналар ташаббусини ривожлантиришга, ишга ижодий муносабатда бўлишга, ҳамма ерда уюшқоқлик, тартиб ва интизомни мустаҳкамлашга ёрдам бермоғи, кенг меҳнаткаш оммани севикли Ватанининг равнақи, қудратини мустаҳкамлаш йўлида янги-янги зафарларга хизмат қилмоғи лозим.

Ўзбекистон Компартияси Фарғона область комитетининг секретари Т. А. Эгамбердиев, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Илмий атеизм институти республикалараро филиалининг директори А. Қ. Қўчқоров, Қорақалпоғистон АССР маданият министри А. Худойбергенов турмушда диний анъаналарга барҳам бериш проблемаларига диққат-эътиборни кучайтириш зарурлиги, меҳнат коллективлари, жамоатчилик фикри ролини ошириш тўғрисида, социалистик урф-одатларни пропаганда қилишда маданий-маърифий муассасалардан яхшироқ фойдаланиш ҳақида гапирдилар.

Бутуниттифоқ семинар-кенгашининг қатнашчилари Тошкентнинг корхоналари, ташкилотлари ва маҳаллаларида, Тошкент областининг колхозларида бўлдилар. Улар «Бизнинг аҳил оиламиз» байрами, тантанали равишда никоҳдан ўтказиш, қумуш ва олтин тўйлар каби маросимларнинг ўтказилиши билан қизиқиб танишдилар.

Семинар программасига кўра янги совет байрамлари ва урф-одатларини жорий этиш, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда уларнинг ролини ошириш борасида орттирилган иш тажрибалари кенг кўламда баҳам кўрилди.

Семинар-кенгаш ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва Бюро аъзолигига кандидатлар Р. Ҳ. Абдуллаева, Ғ. Ҳ. Қодиров, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, Т. А. Алимов, В. А. Головин, В. А. Ҳайдуров, Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Э. Мехтиев, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари К. К. Казибаев, Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари А. К. Карипқулов, Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Г. Б. Бобосодиқова, Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари М. М. Муллаева, иттифоқдош республикалар Министрлар Советлари Раисларининг ўринбосарлари қатнашмоқдалар.

**(ЎзТАГ).**

# ҲАММА ЯХШИ НАРСАЛАР — ВЕТЕРАНЛАРГА!

Меҳнат Қизил Байроқ орденли Марказий универмаг Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги арафасида «Ҳамма яхши нарсалар — ветеранларга!» шиори остида ишлай бошлади. Бу бизнинг хизмат кўрсатиш соҳаларимиз — савдо, маиший хизмат, транспортнинг барча коллективлари учун ибрат бўлсин.

**(Фоторепортаж)**

Совет халқи 1941—1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида қозонган Буюк Ғалабасининг 40 йиллиги байрами арафасида шаҳримизда уруш инвалидлари ва қатнашчиларига, фронтда ҳалок бўлганларнинг оиладларига савдо хизмати кўрсатилишини яхшилаш борасида катта ғамхўрлик қилиняпти. Уларнинг ҳаммаси яшаш жойлари бўйича савдо корхоналарига биркитиб қўйилганлар. Бугунги кунда харидорларнинг ана шу эъзозли контингентига олтмишдан знёд магазин, шу жумладан, «Чилонзор» ва «Фрунзе» савдо марказлари, «Тошкент» фирмасининг «Ветеран» магазини, ГУМ ва ЦУМ хизмат кўрсатяпти.

...ЦУМга бириктириб қўйилганлар биноз ранжиб юрардилар. Бу ерда «Ветеран» учун ажратилган хона пастқамроқ ва торроқ эди. Ҳатто ўтмрадиган жой йўқ эди. Уруш ветеранларн бу ҳақда «Оқшом» газетасига ҳам баён этишган эди. ЦУМ коллективи тўғри хулоса чиқариб олди. Эндиликда «Ветеран» магазини учун катта ва ёруғ павильон ажратилди.

ЦУМдаги янги «Ветеран»нинг очилиши ўтган шанба куни бўлиб ўтди. Кундузи соат бирда савдо залининг эшиклари кенг очилди ва универмагнинг байрамона фирма кийимини кийган икки қиз уруш ветеранларини илтифот ила хонага, ўзларига зарур буюмларни харид қилишга таклиф этдилар. Ветеранлар аста-аста қадам босиб чиройли безатилган залга киришди. Шиорларни ўқишди, уруш йилларн музикаси, қўшиқларини тинглашди.

Бу кун ҳақиқий байрам бўлди. Сотувчилар қадрли харидорларга ранг-баранг буюмларни таклиф этишди. Меҳнат Қизил Байроқ орденли Марказий универсал магазинн маъмурияти «Ветеран»нинг очилишига 150 минг сўмликдан знёд мол ажратди.

— Бундан кейин ҳам «Ветеран» шундай таъминланади, — дейди ЦУМ директори Ҳабибулла Раҳматович Шарипов, — бунинг учун имкониятлар топамиз. Бу ерга келган уруш ветерани ўзига зарур ҳамма нарсани сотиб олиши ва зарурат бўлса бошдан-оёқ кийинниши лозим. Бунинг устига уларнинг кўпларн 9 Май қуролдошлари билан учрашувларга боришади. Биз савдо ходимларн харидорлар эҳтиёжи янада тўлароқ қондирилишини ветеранлар олдидаги бурчимиз деб биламиз.

Чиндан ҳам бу ерда бошдан-оёқ кийиниш мумкин. Ҳамма нарса бор: ип-газлама ич кийимлар, костюмлар, халатлар, кўйлаклар, камзуллар, плашчлар, пальтолар, пойафзал, бош кийимлар, газламалар, атторлик буюмлари... Турли савдо фирмаларининг ранг-баранг молларн қўйилган.

Узимизнинг Тошкент корхоналарн ҳам уруш ветеранларн учун чидамли, сифатли буюмлар тайёрлашга интилишган. Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номидаги ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи ЦУМнинг махсус буюртмаси билан «Ветеран» магазинн учун 300 та эркаклар костюми, тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси 200 та аёллар плашчи тайёрлаб беришди.

Уруш қатнашчиси Нормуҳаммад Холматов харидидан мамнун. У миллий чой сервизи ва чиройли пиёлалар сотиб олди. Александра Анисимовна Попова турмуш ўртоғи — уруш инвалиди Михаил Ивановичга Ухин учун хушбичим костюм харид қилди. Михаил Нерсесович Махайлян шиппакни кийиб кўрган эди лоп-лойиқ келди. Фёдор Иванович Симонов набирасига туҳфа учун кроссовканн олди.

Жамоатчилик, шаҳар партия органлари, ҳарбий комиссарлик, Савдо министрлигининг вакилларн... ҳамма уруш ветеранларининг истакларини эътибор билан тинглашди.

ЦУМда 50 уруш ветеранн меҳнат қиляпти. ЦУМ 10.000 партия, уруш ва меҳнат ветерании хизмат кўрсатяпти. Ёшлар шонли жанговар ва меҳнат анъаналарн руҳида тарбияланишяпти.

**В. ЛАПИНА.**

(Ветеранларга бағишланган бошқа материалларни газетанинг 2-саҳифасида ўқийсиз).







СУРАТЛАРДА: Савдо залига юмшоқ мебель қўйилган, самовар қайнаб турибди... Магазин очилишига келганлар — Улуғ Ватан урушн ветеранлари, Ленин, Куйбишев ва Ҳамза районларининг жамоатчилик вакиллари бир пиёла чой устида суҳбатда. Уруш ветеранларига энг тажрибали сотувчилар хизмат кўрсатишяпти. Марказий универмагнинг «Ветеран» магазини. Уруш ветеранлари бу ерда ўзлари истаган нарсани харид қилишлари мумкин.

Т. Каримов фотолари.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ВА «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» ГАЗЕТАЛАРИ РЕДАКЦИЯСИ ҚОШИДАГИ УРУШ ВА МЕҲНАТ ВЕТЕРАНЛАРИГА ҚЎМАҚЛАШУВЧИ ЖАМОАТЧИЛИК СОВЕТИ.

# ВЕТЕРАН

УРУШ ВА МЕҲНАТ ВЕТЕРАНЛАРИГА ҚЎМАҚЛАШУВЧИ ЖАМОАТЧИЛИК СОВЕТИНИНГ РАИСИ — ЎЗБЕКИСТОН ССР СОЦИАЛ ТАЪМИНОТ МИНИСТРИ ХОСИЯТ ЕҚУБОВНА ЕҚУБЖОНОВА.

№ 4 (30)

## «Ветеран» почтасидан

## ЧЕКСИЗ ҒАМХЎРЛИК

Халқимиз Улуғ Ватан урушида қозонилган Буюк Ғалабанинг 40 йиллигини байрам қилиш арафасида турибди. Барча қатори бизнинг комбинатда ҳам мамлакатимизни немис-фашист газандаларидан ҳимоя килган собиқ жангчилар ҳамон сафда туриб баракали меҳнат қилмоқдалар.

Ўзбекистон ССР Савдо министрлигига қарашли шаҳримиздаги «Узторгоборудование» ишлаб чиқариш комбинатида қарийб 20—30 йилдан бери Улуғ Ватан уруши ветеранларидан М. Султонов, А. Саркисов, Н. Новачек, А. Кузнецова, А. Симохина, В. Алексеев, А. Осипенко, Л. Хмельницкий, В. Маргунов, А. Николаев, А. Жоголеев, И. Пилецкий ва бошқалар ёшларга ўрнак бўлиб, ҳалол меҳнат қилмоқдалар. Комбинат маъмурияти, партия ва касаба союз комитетлари ветеранлар ҳақида катта ғамхўрлик кўрсатишяпти. Ветеранлар ҳар йили шифохоналарга, пансионатларга, дам олиш уйларига бепул йўлланма билан таъминланиб турибдилар. Уларга тегишли моддий ёрдам ҳам кўрсатилади. Улуғ Ватан уруши қатнашчилари бундай ғамхўрликка жавобан ҳам янада унумлироқ меҳнат қилиб, халқ бойлигига бойлик қўшишмоқда.

З. РУСТАМОВ.

## МАРОҚЛИ УЧРАШУВ

Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейида Улуғ Ватан урушн қатнашчиси, Ўзбекистон рассомлар союзининг аъзоси, график рассом И. Рабодзленко билан томошабинлар учрашувн бўлиб ўтди.

Уруш ветеранн уруш хотираларидан гапирнб, Болтиқ бўйи ва Новороссийск бўйлаб қилган саёҳати тасвирларн ҳақида яратган асарларидан намуналар кўрсатди. График жанрида жонланган «Урушни эслаб...», «Уруш ветеранлари» туркумига киритилган ўнлаб асарлари ўта ҳаётийлиги, ҳозиржавоб мавзулиги билан музей томошабинларида яхшн таассуротлар қолдирди.

Рассом И. Рабодзленко Улуғ Ватан урншндан олдин Москвадагн ҳарбий билим юртн, шунингдек Тошкентдагн бадний билим юртнн ҳам битирган. График рассом ўтган йилн 60 ёшга тўлган эдн. Эндликда музейда бирннчи марта санъат мухлисларн билан учрашув ўтказдн.

## ЖАНГЧИ-РАССОМЛАР ЭКСПОЗИЦИЯСИ

Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейининг республика тасвирнй санъати бўлимида Улуғ Ватан урушн йилларида жангда иштирок этган Ўзбекистонлик рассомлар ишларн намойиш этилмоқда.

Ўзбекистон халқ рассомлари Виктор Уфимцевнинг «Қуроллар», Василий Кайдаловнинг «Сахалин томонда», республикада хизмат кўрсатган санъат арбоблари, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Самиғ Абдуллаевнинг «Тошкентлик комиссарлар», «Натюрморт», Зокир Иноғомовнинг «Чойхоначи», Ҳикмат Раҳмоновнинг «Боғдаги қизил чойхона», Валерий Фадеевнинг «Қоровул» кампир», урушда ҳалок бўлган бирнчи миллий рассомларимиз Баҳром Ҳамдамийнинг «Севимли қўшиқ», «Пахта хирмонида», Ҳаким Раҳимовнинг «Рояль чалаётган қизча» каби ўнлаб рассомлар асарларидан ташкил топган экспозиция санъат мухлисларига манзур бўлаётир.

М. АҲМЕДОВ.





## БУЮК ҒАЛАБАНИНГ 40 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

# ГВАРДИЯЧИЛАР КЎЧАСИНИНГ ГВАРДИЯЧИЛАРИ

Гвардиячилар кўчасида бодом гуллади. Ҳали барг ёзмаган шохлардаги бу оппоқ майда гуллар Тошкентнинг бошқа боғларидагидан эрта очилдими, йўқми бунисини айтолмайман. Аммо бу дарахтлар омманинг кўз олдида: Гвардиячилар кўчаси аҳолисининг мевали дарахтларни барча кишилар учун деб кўчага экиб қўйдиган одати бор. Уларнинг ҳосили пишиб етилганида ҳар бир ўткинчи уни татиб кўриши мумкин.

Бу—азалий анъана. Урушдан аввалги йилларда бу ерда катта мевали боғлар ва токзорлар бўлган пайтда бошланган эди бу одат. Уша пайтда «Биринчи отчопар» маҳалласининг деярли бутун аҳолиси боғдорчилик билан шуғулланар эди.

### Ҳаёт-мамот жангига

1941 йилнинг ҳосили мўл бўлди. Олча териб олинди. Олма, нок, шафтолилар кун сайин йириклашиб кўзни қувонтирарди, катта-катта узум бошлари қуёшдан нур эмиб шарбатга тўлиб борарди. Каттаю кичик иш билан овора эди. Токларни хомток қилишар, дарахтлар остига ўғит солишарди. Ҳамма завқ билан ишларди. Қора терга тушган отда шаҳардан елиб келган почтальон совуқ хабар келтирди.

— Уруш! Германия бизга ҳужум қилибди...

### Ўғилларнинг қони

Жуманазар ота бирин-кетин беш ўғлини фронтга кузатди. Энди улардан хат кута бошлади. Аҳмаднинг хати биринчи бўлиб етиб келди.

Орадан бир ой ўтгач маҳаллага биринчи «Қора хат» келди... «Ўғлингиз Жуманазаров Аҳмад Совет Ватани учун жангда ҳарбий қасамига содиқ қолиб, қаҳрамонлик ва мардлик кўрсатиб ҳалок бўлди»...

Иккинчи ўғил, Саиджон Москвани ҳимоя қиларди. Аввалига мудофаада туришди, декабрда эса ҳужумга ўтишди. Калинин яқинида оппоқ қор билан қопланган далада пиёдалар взводи атакага кўтарилди, шу жангда душман ўқи Саиджоннинг кўкрагига тегди, медицина ҳамшираси, рус қизи уни жанг майдонидан олиб чиқди. Сўнгра Горькийдаги госпиталга юборишди. Бу ерда солдат олти ой ётди. Уни бундан буёнги хизматга яроқсиз деб топишди. 42-йилда Тошкентга қайтиб келди.

Мирзакарим уйига камдан-кам хат ёзарди. У артиллерия разведкачиси сифатида доим олдинги маррада бўлиб, батареяларнинг зарба урадиган жойларини кўрсатиб турарди. Тақдир солдатни омон асради — унга на ўқ, на осколка тегди. Шу тариқа у 205-алоҳида артиллерия двизиони билан, сўнгра эса 1618-енгил артиллерия полки билан урушнинг охиригача бирга бўлиб фашистларга қирон келтирди. Ғалаба кунини Болтиқ денгизи бўйида кутиб олди. Солдат Қизилюлдуз ордени ва «Жасорати учун» медали билан мукофотланди.

Тез орада кенжа ўғиллар —Накир билан Бобо ҳам ҳарбий либос кийишди... Бобо душман қўпорувчиси билан олишувда ҳалок бўлди.

Жуманазар ота армияга беш ўғлини юборган бўлса, шундан иккитаси қайтиб келмади...

Маҳалладан урушга кетган йигитларнинг тақдири ҳар хил бўлди. Абдураҳмон Бобоев 39-йилдаёқ хизмат бурчини ўташ учун кетган эди. Унинг қисми Польша чегарасидан 30 километр масофада турганида 22 июнь куни уларнинг устига фашистларнинг бомбалари ёғила бошлади. Урушнинг дастлабки соатларида душман атакаларидан бирини даф этиш чоғида Абдураҳмон оғир яраланди. Унинг танасидан оққан қон томчилари халқимиз ўша урушда тўккан дастлабки қон томчиларидан эди.

Раҳим Зукуров ҳам урушнинг дастлабки кунлариданоқ жангга кирди. Чекиниш аламини ҳам, дастлабки ғалабалар қувончини ҳам тотди. У сўнгги бор 43-йилнинг июлида Курск ёйи окопларида сўнгги бор жанг қилди. Раҳим ўз автоматининг стволи қизиб кетганини, душман мина ва снарядлари портлашидан қора тупроқ фонтандек сочилганини эслайди. Миналардан бири унинг окопи ёнига келиб тушди... Ўшандан бери у танасида тўртта осколка билан юрибди.

Темир йўл қўшинлари солдати Ваҳоб Ғуломов вайрон бўлган йўл ва кўприкларни қайта тиклашда қатнашарди. 45-йилда, Кенигсбергни штурм қилиш вақтида у ўз ўртоқлари билан бирга шаҳар ёнидаги ўрмон орқали бомбалар остида темир йўл қуришга киришди. Шу излар орқали оғир муҳосара тўплари келтирилди. Бу тўплардан отилган ўқ қамалда қолган фашистларга мадад кучи келтирилиб турган денгиз каналини тўсиб қўйди. Фашистлар сўнгги нажот сифатида шу каналдан фойдаланиш илинжида эди.

Одамларнинг тақдирлари ҳар хил, уруш йўллари ҳам турлича... Аммо бу йўлларнинг ҳаммаси битта мақсадга — Ғалабага олиб борарди.

37 миллиметрли зенит тўпининг командири Йўлдош Собиров 42-йилда артиллерия мактабини тамомлаганидан кейин Москва яқинида биринчи жангга кирган эди. Смоленск остонасида жароҳатланди, Сибирда даволанди, у ердан яна фронтга кетди. Шу тариқа у Минск, Бобруйск Чернигов, Барановичи, Брест, Варшава орқали Берлингача етиб борди. 1173-зенитчи Рогачев дивизиясининг солдати мана шундай йўлни босиб ўтди.

Совет жангчилари бутун дунёни фашизм вабосидан омон асраб қолди. Тошкентдаги кичик бир маҳаллада вояга етган йигитлар руслар, украинлар, белоруслар билан бирга ёнма-ён туриб ҳаёт-мамот учун жанг қилдилар. Умумий ғалаба йўлида қонларини ҳам, жонларини ҳам аямадилар.

### Олий Бош қўмондоннинг 20 ташаккурномаси

Яна бир тақдир. Гвардиячилар кўчасида истиқомат қилувчи Иван Никитович Абраменко ҳикоя қилади.

— Уруш бошланди — майда-чуйдамни кўтариб ҳарбий комиссариатга бордим. «Шошмай тур, сенга навбат келганида чақирамиз» дейишди. Навбатим сентябрда келди. Ўзбеклар бригадасига тушдим. Зенит взводининг командири бўлдим: ўнта бир ярим тоннали машина, уларга ДШК катта калибрли пулемётлари ортилган. Донда жанг қилдик, чекиндик. Машиналаримизни мажақлашди, мен броневик шофери бўлиб ишлай бошладим.

Бизнинг бригадамизни қайта тузишга юборишди. Қишда ҳужум бошладик. Воронеж, Донбассни ишғол қилдик. Бизнинг қисмимиз ҳамон илгарилаб борар, йўл-йўлакай тўхтамасдан Шимолий Донецк дарёсини кечиб ўтдик. Аммо бу ерда немислар бутун кучини бизга қарши ташлади — танклар ҳам, самолётлар ҳам ёпирилиб кела бошлади. Хуллас, бизни орқага, дарёга суриб келишди. Муздек сувда суза бошладим, сўл соҳилга жуда оз қолганида оёғим қотиб қолаётганини сездим, ортиқ кучим қолмади. Шу ерда ажалим етган экан, деган ҳаёлга ҳам бордим. Аммо дафъатан ўнг қўлимга қандайдир сим илашиб қолди. Биз ҳужум қилаётганда алоқачилар дарё орқали телефон симини тортишган экан. Шу симга осилиб соҳилга чиқиб олдим. Чиқдиму ерга ағанадим, туришга мадор йўқ, миямда эса — «тирикман!» деган бир фикр. Шу пайт ёнгинамда снаряд портлади...

Кантузия. Оёқ-қўлларим бут-бутун, лекин гапиришга тилим айланмайди, қулоғим битиб қолган. Уч ойдан кейин согайиб яна фронтга — энди 5-алоҳида мотоўқчи бригадага «Т—37» танкининг механик ҳайдовчиси бўлиб кетдим. Ўша ерда гвардиячи номини олдим. Мана ҳужжатим. «Справка. Гвардиячи сержант Иван Никитович Абраменкога берилди, шу ҳақдаки, 5-гвардиячи алоҳида мотоўқчи бригада бошқармасининг 1943 йил 19 январь буйруғига биноан унга «Гвардиячи» унвони берилиб, «Гвардия» кўкрак нишони топширилди. Штаб бошлиғи (имзо), штаб бошлиғининг ёрдамчиси (имзо)».

Харьков яқинида танкимиз шикастланди. Ёнди. Яна госпиталь куйган жойларимни даволаб, яна ҳарбий қисмга юборишди. Шу пайт танк корпусининг қўмондони Д. Д. Лелюшенкога шофёр керак бўлиб турган экан. Мени тавсия этишди. «Виллис» беришди. Шундай қилиб мен генерални олиб юра бошладим.

Бу иш узоққа чўзилмади. Орадан икки ойча ўтгач, бир куни биз олдинги маррага бордик. Немислар бу ерда бригаданинг контроль пункти борлигини пайқаб қолишганми, ёки шунчаки планли ўқ отиш бошлашдими, билолмадик. Кетма-кет снаряд отила бошлади.

Кўзимни очиб қўлларимни қимирлатсам соғга ўхшайди. Ўрнимдан турай десам оёғим ишламайди. Тирсагим билан яқин-атрофдаги дарахтзорга эмаклаб бордим, шу ерда санитарлар мени топиб олиб кетишди.

Госпиталдан кейин Горькийга командирлар курсига юборишди. Тўрт ой ўрнига уч ойдаёқ буйруқ келди — яна фронтга жўнадик. Бизларга лейтенант унвони беришди, мени танк командири қилиб тайинлашди. Жанг бошладик.

Днестр дарёси, Бессарабия, Бухарест, Будапешт, Балатон кўли. Шу ерга келганда жанг айниқса қизиб кетди. Душман снаряди танкимиз тўпининг ярмисини қирқиб кетди. Бизга олдинги марраларга снаряд ташиш топшириғи берилди. Сўнгра — Австрия, Вена, у ердан Чехияга ўтдик. Шу ердаги жангларда бирида танк ғилдираклари орасига металл ғўла тегиб моторни пачоқ қилди. Ҳаммамиз тирик қолдик.

Моторни алмаштирдик, зирҳдаги тешикни ямадик. Яна олдинга интилдик. Бригадада ҳаммаси бўлиб ўнта танк қолган. Германияга етиб бордик. Шу ерда бизни бошқа бригадани тўлдириш учун юборишди. Шу ерда бир кун турдик, бирданига эрта тонгда ўқ овозлари эшитилди— пулеметлар, автоматлар тириллар, тўплар гумбурлар эди. Наҳотки, немислар ёриб ўтишаётган бўлса? Шоша-пиша штабга бордик, командирнинг сиёсий ишлар билан шуғулланувчи ўринбосари чиқиб: «уруш тамом бўлди, ўртоқлар! Германия таслим бўлди!» деди. Энди биз ҳам ҳамма қуроллардан осмонга қараб ота бошладик.

Шу ерда икки ойча турдик, яқин орадаги кўлда балиқ овладик. Энди уйга кетсак бўларди, деб турганимизда яна эшелонларга чиқиш ҳақида буйруқ олдик. Поезд қўзғалди. Ниҳоят чегарага етиб келдик, Украинадан ўтдик, Россия, сўнг Урал тоғи. Мана шундагина биз японлар билан жанг қилиш учун кетаётганимизни тушундик.

Монголияда яп-янги танклар, автомашиналар олдик. Менга «Студебеккер» беришди. Саҳродан ўтишимиз керак. Чидаб бўлмайдиган жазирама иссиқ —август.

Аммо биз ундан ўтдик. Катта Хинган тизма тоғини ҳам забт этдик. Тобора юқорилаб борардик—танкларни бир-бирига, машиналарни, мотоцикларни уларга боғлаб ҳаракат қилардик. Тоғнинг нариёғига тушиш бундан ҳам қийинроқ бўлди. Ammo тушдик. Мукден, Харбинни олдик, шу пайт уруш тугади. Тез орада мен Тошкентга қайтиб келдим...

Мукофотлар унча кўп эмас. «Жасорати учун», «Жанговар хизматлари учун» медаллари. Аммо бир ҳужжатга назар ташланг. Унга шундай деб ёзилган «Немис босқинчиларига қарши Улуғ Ватан урушининг ва япон милитаристларига қарши урушнинг қатнашчиси гвардиячи лейтенант Иван Никитович Абраменкога. Олий Бош қўмондон, Совет Иттифоқи генералиссимуси ўртоқ Сталин жасоратингиз, мардлигингиз, маҳоратингиз учун сизга йигирма ташаккур эълон қилди. Қисм командири майор Вайнштейн». А, ҳа, тўғри, йигирмата ташаккур.

### Ҳамма нарса—фронт учун

1943 йилда бу ерда маҳалла чеккасида СССР Халқ Комиссарлари Советининг қарорига биноан асбобсозлик заводи жойлаштирилди. Мамлакатнинг ғарбий районларидан кўчириб келтирилган ва фронт учун ишлаётган юздан ортиқ йирик саноат корхонаси учун республикага шу завод жуда керак эди. Чунки снарядлар, миналар, самолётлар ясаш учун турли асбоблар зарур эди.

Вокзалларда санқиб юрган қаровсиз болалар, болалар уйларининг тарбияланувчилари фабрика-завод таълими мактабларида ўқитилиб, станоклар ёнига қўйилди. Улар орасида Нина Сергеева ҳам бор эди.

— Биз, беш болани Бухоро область болалар уйидан келтиришди, —деб эслайди Нина Николаевна. — Ёшим ҳали 16 га ҳам тўлмаган, ориққина, нимжон қиз эдим. Пармалаш станоги ёнига қўйишди, мен станокни ишлатиш учун унинг тугмасини босишга ҳам қўлим етмасди. Оёғим остига яшик ва иккита ғишт қўйиб беришди. Шу ҳолда ишлай бошладим. Нормани бажардим.

### Мармардаги ном

Кичик бир маҳалла аҳли бутун мамлакат билан бирга 1418 кун бир сафда туриб жанг қилди.

Гвардиячилар кўчасининг бошланишида, маҳалла комитетининг идораси ёнида оддийгина обида қад кўтариб турибди. Уни ҳашар қилиб қуришган — кимдир бир челак цемент, кимдир шағал, яна кимдир кўтарганча ғишт олиб келганди. Мармар тахталар буюртириш учун уйма-уй юриб пул тўплашди.

Обидага: «Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлганлар» деган сўзлардан кейин қўйидаги кишиларнинг номларини ўқиймиз: **А. Абдуллаев, Х. Зокиров, О. Каримов, П. Камолхўжаев, Ш. Мирбобоев, Ш. Миркамолов, И. Мусаев, М. Пўлатов, М. Пўлатов, С. Расулов, Н. Расулов, Т. Расулов, М. Раҳимов, Т. Сонпов, М. Тўлаганов, Ш. Сандхўжаев, У. Хўжаев, Ш. Ҳидиров,, О. Хошимбоев, Х. Хидиров, Ш. Шоназаров, Н. Шермуҳамедов, Я. Шомуродов, Ш. Шомуродов, И. Шомуродов, Х. Ёқубов, Ш. Аҳмедов, А. Акрамхўжаев, И. Абдулҳақов, В. Абдулҳақов, Р. Даминов, Ю. Иброҳимов Х. Муҳамедхўжаев, М. Раҳимов, Т. Саримсоқов, А. Саримсоқов, Н. Ҳакимов.**

Ўттиз саккиз киши. Шу номлар остига «Ҳеч ким ҳеч қачон унутилмайди» деб ёзилган.

Шу обида ёнида болалар пионер сафига қабул қилинади. Бу ерда улар номлари мармарга ёзилган кишилар каби Ватанга, Ленин ишига содиқ бўлиб қолиш ҳақида қасамёд қиладилар. Ветеранлар бу ерга келиб ҳалок бўлган ўртоқларини ёдга оладилар. Тул қолган аёллар, катта ёшдаги фарзандлар ҳам келадилар. Улар ҳозир ўз оталарининг ёшидан ошиб кетганлар.

### Ишчилар кўчаси

Гвардиячилар кўчасини ишчилар кўчаси деса бўлади. Ҳар кун эрталаб одамлар асбобсозлик ва абразив заводлари, бетон узеллари тарафга йўл олади.

Олий, олтинчи разрядли андазачи слесарь Аркадий Александрович Орлов ўз дастгоҳи ёнида иш бошлайди. У нейрохирург каби дурбинсимон маскасини қийиб олиб жуда мураккаб, аршунослик ишини бошлайди. Қайроқчи Нина Николаевна Сергеева ўз станогини юргизиб юборади. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, донгдор токарь Анатолий Андреевич Ефимков янги маҳсулот ишлаб чиқаришни биринчи бўлиб ўзлаштиради. Уларнинг ҳар бири асбобсозлик заводида ишлай бошлаганига қирқ йилдан ошди.

Кенг истеъмол моллари участкасининг мастери, собиқ жангчи-темирйўлчи Ваҳоб Ғуломов ишчиларга топшириқ беради, Тешабой Тўлаганов, Леонид Осипович Фоменко, Александр Петрович Бурбига, Моисей Хайимович Эрман, Антонина Антоновна Амбарцумян... ҳаммалари уруш йўлларидан ўтишган. Аммо, ҳозир қирқ йилдан кейин ҳам улар меҳнат сафида туришибди.

Собиқ танкчи Иван Никитович Абраменко эрталаб туриб гуллар экади, дарахтларнинг атрофини юмшатади, қўллари қадоқ бўлганидан завқланади.

Собиқ зенитчи Йўлдош Собиров бошчилигидаги маҳалла ветеранлари комитети кечқурун тўпланади. Улуғ Ватан уруши инвалидлари учун яна нималар қилиш кераклигини, ёшлар ўртасида ҳарбий-ватанпарварлик ишини қандай қилиб кучайтириш кераклигини, Ғалабанинг қирқ йиллигига қандай тараддуд кўриш кераклигини муҳокама қиладилар...

***

Эллигинчи йилларнинг бошларида шаҳар чегараси маҳалладан анча ўтиб кетди. Бўлажак Юнусобод массивининг бўсағаси бўлмиш шу ердан катта кўчалар ўтадиган бўлди. Шу кўчаларнинг энг каттасини Гвардиячилар кўчаси деб аташди. Нималарни назарда тутиб шундай қилишганини билмайман. Аммо назаримда бу кўчада ажойиб кишилар, совет кишилари уруш ва меҳнатнинг ҳақиқий гвардиячилари яшаётганлиги ва ишлаётганлиги бу номни қўйишда асосий мулоҳазалардан бири бўлган бўлса ажаб эмас.

**А. СКОРОБОГАТОВ,**
**ЎзТАГ мухбири.**
**Тошкент.**






СУРАТЛАРДА: **Гвардиячилар кўчасида яшовчи Улуғ Ватан уруши қатнашчилари; фашистлар Германияси ва милитаристик Японияга қарши олиб борилган жанглар қатнашчиси Иван Никитович Абраменко невараси Юра билан; ёдгорлик қаршисида— Улуғ Ватан уруши қатнашчиси М. Шомуродов; Тошкент асбобсозлик заводи меҳнат ветерани Аркадий Александрович Орлов ёш ишчи Зоир Жалилов билан.**

Б. Юсупов фотолари. (ЎзТАГ).

## Ветеран»нинг справкалар бюроси

**А. ҲАЙДАРОВ: Улуғ Ватан уруши қатнашчиси орден ёки медалини йўқотиб қўйса, унинг дубликати берилдими?**

**Жавоб:** СССР Олий Совети Президиумининг 1979 йил 3 июлдаги Фармонига биноан, СССР орден ва медаллари йўқотиб қўйилган тақдирда уларнинг дубликати берилмайди. Жанговар вазиятда, табиий офат ёки бошқа уларнинг йўқотилишини бартараф этиш мумкин бўлмаган ҳолларда —истисно тариқасидагина СССР Олий Совети Президиуми томонидан берилиши мумкин. Бундай ҳолларда мукофотлаш ҳақидаги ҳужжатнинг дубликати СССР Олий Совети Президиуми ёки унинг ваколати билан мукофотлашни амалга оширган орган томонидан берилиши мумкин.

* * *

**С. ХОЛДОРОВ: Фронтда қанча вақт хизмат қилганлар уруш қатнашчиси ҳисобланадилар?**

**Жавоб:** Ҳаракатдаги армия қисмларида хизмат қилган ҳарбий хизматчилар учун хизмат муддати белгиланмаган. Бир кун хизматда бўлиши ҳам кифоядир. Лекин бу қоида ҳаммага-ҳам тааллуқли эмас. СССР Мудофаа министрлиги Марказий аппаратининг, ҳарбий-ўқув юртларининг ҳарбий хизматчилари, марказий газеталар, журналлар, ТАСС, Совет информбюроси ва радио мухбирлари, кинооператорлар ва бошқалар, агар улар ҳаракатдаги армия ҳарбий қисмларида, штабларида ва муассасаларида амалда (практикада) ёки стажировкада узлуксиз камида бир ой бўлган бўлсалар уруш қатнашчиси ҳисобланадилар. Башарти, улар жанговар ҳаракатда қатнашганлиги учун СССР орденлари билан тақдирланган ёки жангда яраланган ёхуд контузияланган бўлсалар, ҳаракатдаги армияда қанча вақт бўлганларидан қатъий назар уруш қатнашчиси ҳисобланадилар.

* * *

**К. ЖУМАЕВА: Уч йилдан бери фабрикада ишлаяпман. Саккиз фарзандимни вояга етказганимдан кейин ишга кирганман. Мен неча ёшда пенсияга чиқишим мумкин? Иш стажим қанча бўлиши керак?**

**Жавоб:** Аёллар 55 ёшга тўлганда камида йигирма йил иш стажи бўлганда қарилик пенсияси белгиланади. Беш ёки ундан ортиқ болани саккиз ёшгача тарбиялаган аёлларга имтиёзли асосда 50 ёшга тўлганларида камида 15 йил иш стажи билан қарилик пенсияси тайинланади.

Кўп болали оналарга тўлиқсиз стаж билан қарилик пенсияси камида беш йил иш стажи бўлганда белгиланади. Демак, Сизнинг ҳозирги иш стажингиз уч йил бўлгани учун яна икки йил ишлаб, 55 ёшга тўлгач, пенсия белгиланиши учун мурожаат этишингиз мумкин.

## «ВЕТЕРАН»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

## «ЧИРОҚ ЁҚИБ ТОПОЛМАЙСИЗ»

**Газетанинг шу йил 26 январь сонида юқоридаги сарлавҳа остида босилган мақолада магазинларда 11 ва 12-размерли калишлар йўқлиги танқид қилинган эди. Шаҳар савдо Бош бошқармасидан олинган жавобда шундай дейилади:**

«Чиндан ҳам шаҳар савдо ташкилотларининг буюртмаси Тошкент об ластлараро базаси томонидан қониқарсиз бажарилгани сабабли калишлар сотувида тақчиллик рўй берди. Чунончи, «Ташобувьторг» 1984 йилнинг IV квартали учун 240 минг сўмлик калишга буюртма берғани ҳолда бор-йўғи 3,8 минг сўмлик ажратилган. 1985 йилнинг I кварталида 300 минг сўмлик буюртма берилгани ҳолда 150,5 минг сўмлик калиш ажратилган.

Айни пайтда маълум қиламизки, «жерси» материалидан тикиладиган эркаклар пальтоси ҳозирги пайтда харидорлар талаби йўқлиги сабабли ишлаб чиқаришдан олинган ва сотувга чиқарилмаяпти».

# КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

**(Давоми. Бошн биринчи бетда).**

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари, СССР министрликлари ва идоралари гражданларнинг маблағлари ҳисобига уларнинг буюртмалари билан квартиралар (уйлар)ни яхшироқ пардозлаш ва жиҳозлаш ишлари ҳажми кўпайтирилишини таъминлашини, 1990 йилга бориб шундай ишлар ҳажмини давлат капитал маблағлари ҳисобига қурилаётган уй-жой бинолари фойдаланишга топширилаётган жами сақнинг 20—25 процентига қадар етказишни назарда тутишлари керак.

СССР Госстройи билан иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари 1985—1986 йилларда гражданларга тегишли транспорт воситалари учун гаражлар ва шундай воситалар қўйиладиган жойлар ҳамда бошқа иморатларни қуриш юзасидан типовой лойиҳаларни ишлаб чиқишлари шарт.

СССР Госстройига иттифоқдош республикалар Министрлар Советлари иштирокида уй-жойларни ремонт қилиш ишларини ўтказиш норматив муддатларини, шунингдек аҳолининг буюртмаларига биноан ушбу қарорда кўзда тутилган объектлар қурилишининг давом этиш муддати нормаларини ишлаб чиқиб, 1986 йилнинг 1 июлигача тасдиқлаш топширилди.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига, СССР министрликлари ва идораларига гражданларнинг маблағлари ҳисобига уй-жойларни ҳамда бошқа иморатларни ремонт қилиш ва қуриш соҳасидаги хизматларни янада ривожлантиришни таъминлашини, бунда қуйидагиларни назарда тутиш таклиф этилди:

2000 йилга бориб 1985 йилга нисбатан уй-жойлар (квартиралар, уйлар)ни ремонт қилиш соҳасидаги хизматлар ҳажми камида тўрт баравар, якка тартибда уй-жой қурилиши бўйича эса 3,5 баравар кўпайтирилиши; боғдорчилик ширкатлари учун иморатлар боғ участкаларини обод қилишга зарур бўлган ҳажмда қурилиши; шу йилларда 6 миллионта машинага мўлжалланган кооператив гаражлар ва машина қўйиладиган жойлар фойдаланишга топширилиши керак.

СССР Госпланига СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг тегишли йилларга мўлжалланган планларининг лойиҳаларида иттифоқдош республикалар Министрлар Советларига, СССР министрликлари ва идораларига юқорида кўрсатиб ўтилган топшириқларни кўзда тутиш топширилди.

СССР Молия министрлиги ва СССР Нархлар давлат комитети СССРнинг манфаатдор министрликлари ва идоралари иштироки билан ушбу хизматларни бажариш учун ишлатилган материалларга ва ускуналарга чакана нархлар билан ҳақ тўлаш шарти билан ремонт-қурилиш хизматлари учун аҳоли билан ҳисоб-китоб тўғрисидаги Низомни 6 ой муддат ичида ишлаб чиқиб, СССР Госплани ва СССР Госстройи билан келишган ҳолда тасдиқлашлари шарт.

Шу нарса белгилаб қўйилдики:

қурилиш-монтаж ва ремонт-қурилиш ташкилотлари қайси идорага бўйсунишларидан қатъи назар, улар гражданларнинг маблағлари ҳисобига уй-жойларни (квартиралар, уйларни) ремонт қилиш, якка тартибдаги уй-жой бинолари, боғдорчилик ширкатлари учун гаражлар ва шундай воситалар қўйиладиган жойлар ҳамда бошқа иморатларни қуриш борасидаги хизматлар аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ҳажмида планлаштирилади ҳамда материал ва ускуналарнинг қийматини қўшмасдан ҳисобга олинади;

гражданларнинг маблағлари ҳисобига уй-жой ремонт қилиш, якка уй-жойлар, боғдорчилик ширкатлари учун иморатлар, гражданларга тегишли транспорт воситалари учун гаражлар ва шундай воситалар қўйиш жойлари ҳамда бошқа иморатларни қуриш хизматларини бажарувчи ремонт-қурилиш ташкилотларининг фаолиятига аҳолига хизмат кўрсатиш ҳажмини бажариш натижаларига кўра, иш ва социалистик мусобақа якунларини чиқараётганда баҳо берилади. Бунинг учун шу хизматларнинг ҳажми улар бажарувчи қурилиш-монтаж ишлари ҳажмининг 75 процентини ва ундан кўпроғини ташкил этиши керак.

Иттифоқдош республикалар Министрлари Советларига, СССР Нархлар давлат комитетига, СССР Госстройи ва СССР Молия министрлигига аҳолининг маблағлари ҳисобига ремонт қурилиш хизматлари учун мавжуд прейскурантларни тартибга солиш ва зарурати бўлса янгиларини ишлаб чиқиш масаласини кўриб чиқиш тўғрисида кўрсатма берилди. Шу прейскурантларда бажариладиган ишлар таннархини арзонлаштириш ва рентабеллигини таъминлаш кўзда тутилмоғи лозим.

СССР Госстройига СССР Ўрмон, целлюлоза-қоғоз ва ёғочсозлик саноати министрлиги билан биргаликда 1985—1986 йилларда аҳоли маблағлари жалб этилишини назарда тутиб, заводда тамомила тайёр қилиб чиқариладиган элементлардан йиғма шкаф говларини қўллаш асосида квартиралари ҳар хил планлаштирилган уй-жойларни эксперименталь тарзда қуришни ташкил этиш вазифаси топширилди.

Қурилиш, йўл ва коммунал машинасозлик министрлигига аҳолининг буюртмаларига мувофиқ ремонт ва қурилиш ишларини бажарувчи ташкилотларнинг электрлаштирилган ва пневматик дастаки асбоб-ускуналар ҳамда ишларни комплекс ҳолда механизациялаш воситаларига бўлган эҳтиёжларини қондириш учун шу асбобларни ишлаб чиқариш масъулияти юкланди.

СССР Госснабига йилдик моддий-техника таъминоти планларида аҳолининг буюртмалари билан уй-жойлар (квартиралар, уйлар)ни ремонт қилиш, қуриш, безагини яхшилаш ва жиҳозлаш, боғдорчилик ширкатлари учун иморатлар, гаражлар ва бошқа иморатлар қуриш юзасидан топшириқларни бажаришга аталган шу комплекс механизациялаш воситалари ва асбоб-ускуналарини етарли миқдорда иттифоқдош республикалар Министрлар Советларига, СССР министрликлари ва идораларига ажратишни кўзда тутиш вазифаси топширилди.

Қурилиш, йўл ва коммунал машинасозлик министрлиги аҳолининг буюртмалари билан қурилаётган якка уй-жойларни биринчи навбатда комплектлаш учун инженерлик машина-ускуналарини 1985—1986 йилларда ишлаб чиқиши ва уларни кўплаб ясашни ўзлаштириши шарт.

Қурилиш министрликларининг ва идораларининг корхоналари ва ташкилотларига аҳолига ушбу қарорда кўзда тутилган хизматларни бажарувчи ремонт-қурилиш ташкилотларининг талабларига мувофиқ бетон, темир-бетон маҳсулотлар, дурадгорлик маҳсулотлари, металл маҳсулотлар ва бошқа хил маҳсулотлар, иссиқ сақлайдиган маҳсулотлар, қуруқ қоришма, модда ва эритмалар тайёрлаш ва уларни етказиб беришга рухсат этилди.

Уй-жойларни ремонт қилиш ва қуришда аҳолига ёрдам кўрсатиш мақсадларида иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советларига, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетларига узоқ фойдаланиладиган ашёларни ижарага берувчи мавжуд пунктлар ва ателъеларда аҳолига уй-жойларни ремонт қилиш ва қуришда ишлатиладиган кичик механизация воситалари ва асбоб-ускуналарини ижарага бериб туришни, шунингдек мана шу ишларни қандай қилиб бажариш юзасидан мутахассисларнинг консультацияларини ташкил этиш ҳамда ремонт-қурилиш ташкилотлари ҳузурида шундай хизмат кўрсатиш пунктларини очиш масалаларини кўриб чиқиш ва ҳал этиш вазифалари топширилди.

Мақсуд ШАЙХЗОДА.

## КУРАШ НЕЧУН?

**Зафарнинг нашъасин тотиган эрлар:**
**«Сулҳ десанг, урушда енгиб чиқ» дерлар.**
**Бу кураш — ҳаётнинг қонуни учун,**
**Бу — чорак асрнинг якуни учун.**
**Бу кураш истиқбол машъали учун,**
**Ленинизмнинг мужассам ҳайкали учун.**
**Пушкинизмнинг достони, Толстой учун,**
**Вақтинча тўхтаган ҳолис тўй учун.**
**Бу — элнинг гўдаги, чолн, гўзали,**
**Навоий «Хамса»сн, Бобур ғазали,**
**Дуторнинг мулойим унлари учун,**
**Ижоднинг муҳташам кунлари учун,**
**Онанинг меҳрибон алласи учун,**
**Ватаннинг нефти ҳам ғалласи учун.**
**Халқдаги қўшиқлар, мақоллар учун,**
**Ўрмонлар, чаманлар ва толлар учун,**
**Тер тўкиб қазилган каналлар учун,**
**Феруза кўрфазлар, ороллар учун,**
**Паранжи ташлаган аёллар учун,**
**Рўёбга чиққан зўр ҳаёллар учун.**
**Тоғлар этагининг майин елларн,**

**Узнга хўжайин меҳнат эллари,**
**Болалар уйқуси, севги туйғуси**
**Арслонлар юртининг ори, номуси,**
**Мунаққаш иморат ҳусни, зарҳали,**
**Фарғона пахтаси, Оқтош асалн,**
**Улуғбек дахмаси, Хоразм нағмаси,**
**Қўшиқлар, рақслар... ҳамма, ҳаммаси...**
**Шу учун курашмоқ бизга фарз бўлди,**
**Юраклар оташин нафратга тўлди.**
**Кўз юммай биз топган улкан ютуқлар,**
**Эртанги кунларга жўра уфқлар**
**Қузғунлар, илонлар учун бўлмас ем,**
**Лочинга калхатлар бўлолурми тенг!**
**Ҳаётни севганлар ўлимдан қўрқмас,**
**Муқаддас бурч бўлди душмандан қасос.**
**Эртаннинг нқболи кечадан базўр,**
**Бу кундан кеча-мас, эрта туғилур**
**Булут сўндиролмас ёруғ кундузни,**
**Шаппарак тўсолмас олтин юлдузни.**
**Эй ватан, эй дунё, эй инсон, қардош,**
**Халқлар эркн учун берамиз бардош.**
**Шу учун, шу учун муқаддас кураш,**
**Ўғри пачақлангач, дермиз: «Бас кураш!»**
**Зафарнинг нашъасин тотнган эрлар:**
**«Эрк десанг, курашда енгиб чиқ» дерлар!**
**1941 йил. Тошкент.**




**● ШАЙХЗОДА ИЖОДИДАН НАМУНАЛАР ● ЯНГИ АСАР — АДАБИЁТ МУХЛИСЛАРИ Г.А ● МУЗЕЙ ЗАЛЛАРИ БЎЙЛАБ ● САҲНАДА —ФРАНЦУЗ РЕВОЛЮЦИОНЕРЛАРИ**




● Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги олдидан

# ЗАФАРНИНГ НАШЪАСИН ТОТИГАН ЭРЛАР

Немис-фашист босқинчилари 1941 йил 22 июнда социалистик Ватанимизга хиёнаткорона ҳужум бошлади. Бутун халқ она-Ватанни, социалистик тузумни, марксизм-ленинизм ғояларини ҳимоя қилишга, ўзининг бахтиёр ва озод турмушини сақлаб қолишга отланди.

Ўзбек ёзувчилари биринчи кунданоқ бу қирғин урушни қаттиқ қораладилар ва қўлларига қалам ҳамда қурол олиб душманга қарши курашга отландилар. Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Ойбек, Уйғун, Абдулла Қаҳҳор, Шайхзода, Миртемир, Яшин, Зулфия каби сўз санъаткорлари баракали ижод қилдилар. Шуҳрат, Султон Жўра, Назир Сафаров, Мамарасул Бобоев, Парда Турсун, Зиннат Фатхуллин, Иброҳим Раҳим, Мумтоз Муҳамедов, Адҳам Ҳамдам, Аширмат, Назармат, Баҳром Раҳмонов, Мирзакалон Исмоилий, Ҳасан Саид, Жалил Қодирий каби ўттизга яқин ўзбек шоир ва адиблари Қизил Армия сафида қурол ва қалам билан хизмат қилдилар. Улар «Қизил Армия», «Фронт ҳақиқати», «Суворовчи», «Ватан шарафи учун», «Ватан учун», «Бонг», «Совет жангчиси» каби ўзбек тилида чиққан ўн бешдан ортиқ газеталарда муҳаррир, муҳаррир ўринбосарлари ва ҳарбий мухбир бўлиб ишладилар.

Улуғ аллома Мақсуд Шайхзода ҳам ўша жанговар йилларда тинним билмай ижодий меҳнат қилди. Урушнинг дастлабки кунларидаёқ «Кураш нечун!» «Капитан Гастелло», «Берлинда суд бўлғуси» каби қатор жанговар манзумалар яратди. Бугун оқшомхонларга филология фанлари кандидати Мухсин Зокиров тақдим этган Мақсуд Шайхзоданинг «Кураш нечун!» шеърини туҳфа этмоқдамиз.

Китоб жавонингизга

# «ОЧИҚ КУНЛАР»

Шоир Шавкат Раҳмонинг янги чоп этилган «Очиқ кунлар» китобидаги бир шеър шундай сатрлар билан бошланади:

Умр — қумсоат ҳам яримлаб қолди...
Кўнглим тўлгани йўқ
билганларимдан.
Ёдимни оғритар
кечирганларим.
Кўндир қилмаганим
қилганларимдан.
Кечалар тобора
ойдинлашади,
Кўзингда қуёшнинг
чечаги сўлмас,
яшагинг келади.
Фақат умрни
қумсоат сингари
тўнкариб бўлмас.

Шеър шу тариқа юрагида ёруғлик бўлган ҳар бир соф виждонли кишининг тили учида турган фикрлардан тўлиша боради. Ҳар бир инсон бир мартагина берилган умрни ўзича — бироз тўкис, бироз кемтик яшайди... Тўкислик билан кемтикликни эса икки қутб. Биров ўз ҳаётининг тўкислиги деб, мол-дунё, мансаб, хуллас мешчанларча ҳаёт тарзини тушунади. Бошқа биров эса халққа хизмат қилишни, кўпроқсиз ариққа кўприк солишни, жонсизларга ҳаёт тарзини тушунади. Бошқа биров эса халққа хизмат қилишни, кўпроқсиз ариққа кўприк солишни, жонсизларча ҳаёт тарзини тушунади. Бошқа биров эса халққа хизмат қилишни, кўпроқсиз ариққа кўприк солишни, жонсизларча ҳаёт тарзини тушунади. Юқоридаги шеърда лирик қаҳрамон ўз умридан қониқмайди. Чунки унинг қилган ишларидан қилмаганлари кўп. Ана шу режалаштирилган орзу-умидларини тўла-тўкис амалга оширолмаётганлигини уйлаганда «кечалар тобора ойдинлашади», уйқуси қочади. Лекин яхши умид боис лирик қаҳрамон кўзида «қуёшнинг чечаги» сўлмайди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида республикамиз ҳаётидаги салбий ҳодисалар қаттиқ танқид қилинди. Айрим кишилардаги одат тусига кириб қолган кўзбўямачилик, порахўрлик, лоқайдлик каби ёмон кусурлар фош этилди. Шу маънода «Очиқ кунлар» китобидаги «Шоирнинг саволи», «Бир кун», «Нафрат», «Ривоят», «Давра», «Буқаламун билан учрашув», «Гўё бундан», «Сулаймон тоғи этагида ўйлаганларим» ва бошқа кўпгина шеърларда баъзи шахслар табиатидаги шуҳратпарастлик, жоҳиллик, димоғдорлик, инсонни тушунмаслик каби иллатлар оҳорли, шоирнинг ўзигагина хос образлар воситасида фош қилинади.

Китобдаги «Шоирнинг саволи» шеъри жуда ўткир сиёсий-публицистик руҳ билан йўғрилган. Лирик қаҳрамоннинг қизи «йўл бўйларида», «бинолар пешида» доҳий Ленинниг ҳайкаллари, «улкан суврати» тез-тез учраб туришидан ҳайрон бўлади. Боланинг бундай таажжубига қарата лирик қаҳрамон дейди:

Қизим, ҳали ёшсан,
англарсан ҳали,
бу йўллар —
мошинлар юргувчи
йўлмас,
бу қураш йўлидир,
толе йўлидир,
Ленин бу йўлларда
турмаса бўлмас...

Ҳар қандай изланиш, албатта самарасиз бўлмайди. Ёш шоир Ш. Раҳмоннинг янги тўпламн ана шу изланишнинг бир камтарона ифодаси сифатида алоҳида аҳамиятга моликдир.

**Е. ХЎЖАМБЕРДИЕВ.**

МАДАНИЯТ САРОЙЛАРИДА

# «Парвоз»нинг ҳисоботи

Яқинда пойтахтимиздаги авиасозлар маданият саройида Тошкент область Ленин комсомоли мукофотининг лауреати «Парвоз» халқ ашула ва рақс ансамблининг Франция бўйлаб қилган сафарига бағишланган ҳисобот концерти бўлди.

Ансамбль қатнашчилари шу куни Франциядаги сафар чоғида намойиш этган концерт программасини ҳамшаҳарларимизга туҳфа этишди.

Ансамбль қатнашчиларидан «Иқбол» кўрик конкурсининг ғолиблари — Гулбаҳон Ёрқулова ижро этган «Олтин ёшлигим» қўшиғи, Эътиборхон Муллажонованинг «Тожик гўзали» рақси ҳамда «Қўйланг, ёш ҳонандалар» конкурсининг ғолиби Мансуржон Маъмуров ижро этган «Оламда гуллар яшнар» қўшиғи, область Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Ҳусан Носировнинг бешта доирада усул ижро этиши, раққоса қизлар иштирокида «Барн гал», «Ўйин баёти», балетмейстер Мухтор Ҳамдамов раҳбарлигида йигитлар иштирокида «Хоразмча лазги», «Ковун» рақси ва бошқа кўплаб куй ва дилрабо қўшиқлар ижро этилди.

Концерт сўнггида Ҳусан Носиров раҳбарлигида 40 га яқин ёш дорачилар ансамбли иштирокида ўзбек миллий рақсларидан доира усули ижро этилди.

**Э. ТЎЛАГАНОВ.**

# ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ МЕҲНАТИ ВА ТУРМУШИ ҲАҚИДА ҒАМХЎРЛИК

**12 апрель куни Кремлда СССР Олий Совети Иттифоқ Совети ва Миллатлар Совети Хотин-қизлар меҳнати ҳамда турмуши, Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалалари билан шуғулланувчи комиссияларининг қўшма мажлиси бўлди. Хотин-қизларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини янада яхшилаш, уларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришда кенг иштирок этиши тўғрисидаги қонун талабларига риоя этилиши юзасидан Ўзбекистон ССРда қилинаётган ишлар ҳақидаги масала муҳокама қилинди.**

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ва депутатлар қўшма тайёргарлик комиссиясининг докладларида, депутатларнинг нутқларида республика маданияти ва экономикасини ривожлантириш соҳасида зўр юксалишга эришилганлиги ҳақида, бу эса хотин-қизларнинг социал аҳволига катта таъсир ўтказганлиги тўғрисида гапирилди. Партия органлари раҳбарлигида республика совет ва хўжалик органлари, жамоат ташкилотлари партия XXVI съездининг ва КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумларининг қарорларини бажара бориб, ишлаб чиқариш ва турмуш шароитларини яхшилаш юзасидан муайян иш қилаётганликлари, мажлисда таъкидлаб ўтилди.

Ҳозирги беш йилликда ишловчи хотин-қизларнинг меҳнатдаги ғайратини ва жамоат ишларидаги активлигини ошириш билан боғлиқ бўлган масалалар муваффақиятлироқ ҳал этилмоқда. Саноатнинг турли тармоқларида, қурилиш ва транспортда машғул бўлган хотин-қизларнинг сони ва салмоғи доимо кўпаймоқда. Меҳнат шароитларини ва уни муҳофаза қилишни яхшилаш тадбирларига сарфланаётган маблағ кўпайди. Бу эса кўпгина ишлаб чиқариш корхоналарида хотин-қизларнинг меҳнат шароитларини санитария-гигиена нормалари ва талабларига мувофиқ ҳолга келтириш имконини берди. Ишловчи аёлларга болаларни тарбиялашда, уй-рўзғор ишларини енгиллаштиришда, медицина, савдо ва маиший ҳизматни яхшилашда ёрдам бериш кучайтирилмоқда.

Шу билан бирга, деб уқтирилди нутқларда, хотин-қизларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини янада яхшилаш, уларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришда янада кенг иштирок этиши соҳасидаги қонун талабларига риоя этилишини таъминлаш ишида ҳали катта камчиликлар бор.

Меҳнат коллективларини социал ривожлантириш планларя, меҳнат шароитларини ва уни муҳофаза қилишни яхшилаш ва санитария-соғломлаштириш тадбирлари комплекс планларини бажаришга ҳамиша ҳам зарур даражада эътибор берилаётгани йўқ.

Республикадаги хотин-қизларнинг анчагина қисми уй-рўзғор ишларида ва шахсий ёрдамчи хўжаликда банд бўлиб турибди. Қизларга касбкор танлашни ўргатиш, хотин-қиз ишчи кадрларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш иши ҳали ҳам замонавий талабларга мувофиқ эмас. Кўпгина совет ва хўжалик органлари хотин-қизларнинг ишлаб чиқариш меҳнати билан бола тарбиясини бирга қўшиб олиб боришлари учун қулай шароит яратиш билан боғлиқ масалаларни унчалик тўлиқ ҳал этмаяптилар. Кичик ва ўрта шаҳарларда, қишлоқ аҳоли пунктларида маиший хизмат корхоналари ва уларнинг филиаллари, мактабгача тарбия муассасалари тармоғи лозим даражада ривожлантирилмаяпти, бу жойларда меҳнат ресурсларининг катта резервлари бор.

Комиссиялар ўз қарорида Ўзбекистон ССР Министрлар Советига, СССРнинг тегишли министрликларига, давлат комитетлари ва идораларига камчиликларни тугатиш юзасидан таъсирчан чоралар кўришни, хотин-қизларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш, уларни ижтимоий ишлаб чиқаришга янада кенгроқ жалб этиш, хўжалик ва социал-маданий қурилиш вазифаларини ҳал этишда уларнинг ҳиссасини ошириш учун ҳамма имкониятлардан тўла-тўкис фойдаланишни тавсия қилдилар.

Комиссияларнинг ишида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов қатнашди.

**(ТАСС).**

# ЯНГИ ЖАМИЯТ ИДЕОЛОГИЯСИ

«Ленин. Фалсафа. Ҳозирги замон» китоби босмадан чиқди. Китобда марксизм фалсафасининг ленинча босқичининг конкрет мазмуни, уни ривожлантиришга В. И. Ленин қўшган ижодий ҳисса жуда тушунарли формада очиб берилади. Авторлар — машҳур совет философлари Ленин фалсафий меросининг фундаментал жиҳатларига, ҳозирги шароитда диалектик ва тарихий материализм проблемаларига, ривожланган социализмни такомиллаштиришнинг назарий масалаларига, буржуа идеологияси ва ревизионизмни танқид қилишга эътиборни қаратишган.

**(ТАСС).**

Пойтахт театрларида

# Болалик дўстимиз—Гаврош

Йўлдош Охунбобоев номидаги республика ёш томошабинлар театри улуғ француз адиби Виктор Гюгонинг «Хўрланганлар» романи асосида «Гаврош» спектаклини саҳнага қўйди.

Гаврош... Уни ёшлик чоғимиздан биларди. Биз жуфт олтин балиқ китобларидаги шўх, ёқимтой, уддабурро ва топқир, ўт-олов дўстларимиздан бири эди у. Қалбга яқин болалик қадрдонларимиз — Алпомиш, Шум бола, Гекельберри Финн, Пепе, Темур қаторн Гаврош ҳам биз билан бирга ўсиб-улғайган, умримизнинг энг беғубор дамларида ҳамроҳу ҳамнафас бўлган эди. Бу адабий қаҳрамонларнинг барчаси чинакам қаҳрамонлар эди, ўсмир ёшимиздаёқ улар сиймосида мардлик ва матонат, садоқат ва олижаноблнкнинг ажиб тимсолларини кўрган эдик.

«Гаврош» — жаҳон революцион ҳаракати тарихидаги бирнинчи фидойилар ҳақида, уларнинг пок, қутлуғ ниятлари, кишиликни қуллик занжирларидан озод этишдек олижаноб орзулари ҳақида эҳтирос билан ҳикоя қилади. Инқилобий таълимотнинг ҳур ва буюк ғоялари билан илк марта таништан француз халқининг сармоя дунёсини зир титратган шиддатли кураши, бу кескин тўқнашувлар жараёнида турли ижтимоий гуруҳ ва табақалар ўртасидаги мураккаб муносабатлар, озодлик жангларининг Гаврошдек минглаб етимчалар тақдири ва онгига кўрсатган улкан таъсири спектаклда ранг-баранг ҳаётий эпизодлар орқали акс эттирилган. Спектакль режиссёри — республикада хизмат кўрсатган артист Маҳкам Маҳамедов ҳам, театр ижодий коллективи ҳам революцион таълимотнинг ҳалоскорлик қудратини содда, таъсирчан бадиий восталар ёрдамида бўрттириб кўрсатишга интилганлар.

Маълумки, «Хўрланганлар» романи кўп планли, мураккаб композицион қурилишга эга асар. Спектакль ижодкорлари (инценировка автори ва таржимон Ж. Абдуллахонов) Гаврош ҳаёти билан боғлиқ эпизодларни ягона ғоявий-бадиий мақсадга бўйсундирган ҳолда яхлит саҳна асари яратишга муваффақ бўлганлар. Бу ҳол, айниқса, Гаврош образи талқинида яққол бўртиб кўринади. Актриса М. Ёрнева ижросида Гаврош характерига хос етакчи хусусиятлар — қувноқлик ва жасурлик, ҳамиша, энг мушкул дамларда ҳам сусаймайдиган руҳий барқамлик, инқилоб, ишига чексиз садоқат каби фазилатлар табиий бир жозиба билан намоён бўлади.

Спектаклда Ўзбекистон ССР халқ артисти Воҳид Қодиров яратган Айғоқчи образи ҳам ёдда сақланиб қолади. У томошабин кўз ўнгида гоҳ ландавур, гоҳ ўтакетган муғомбир, гоҳ уддабурро айғоқчи, гоҳ мунофиқ лаганбардор каби ранг-баранг қиёфаларда кўринади. Шуниси диққатга сазоворки, ёш томошабинлар табиатини пухта биладиган бу актёр образ талқинида шундай йўл тутганки, унинг деярли ҳар бир ҳаракати беихтиёр кулги уйғотади. Кулги эса, маълумки, қўрқувнинг, даҳшатнинг таъсир кучини кесади.

Саҳнада Гаврошнинг қўнғироқдек жарангдор қўшиқлари янграйди. ...Спектакль давом этмоқда. Бу қутлуғ кураш ҳали тўхтаган эмас, чунки бепоён куррамиз бўйлаб инқилобий ҳаракатлар давом этмоқда. Бу шиддатли курашларнинг олдинги сафларида турли миллат ва эллатларга мансуб минглаб гаврошлар ҳам бормоқда.

Мазкур асарнинг саҳнага қўйилиши республикамиз ёш томошабинлари учун катта маърифий-тарбиявий аҳамият касб этиши шубҳасиз. У ёшларимизни қаҳрамонлик, мардлик руҳида фикр юритишга ўргатади, шу руҳда тарбиялайди. Қолаверса, спектакль яна бир жиҳатдан эътиборга молик: бу йил Виктор Гюго вафотига 100 йил тўлади. Шу муносабат билан ЮНЕСКО 1985 йилни халқаро Гюго йили деб эълон қилган эди. «Гаврош» спектакли — театр коллективининг улуғ санъаткор хотирасига муносиб эҳтироми ҳамдир.

**Х. СУЛТОНОВ.**



**СУРАТДА: «Гаврош» спектаклидан саҳна. С. Коган фотоси.**

● *Жонли табиат бурчаги*

# ОЛТИН БАЛИҚ ТАРИХИ

Японияник табиатшунос Есио Азуманинг гувоҳлик беришича, дастлабки олтин балиқлар Кореянинг будда монастирида боқилган. Бир жуфт олтин балиқ 1502 йилда Осака шаҳрига келтирилиши натижасида Японияга кенг тарқалишига сабабчи бўлган. Саёҳатчи Марко Поло эса 1611 йилда уни Европага олиб келгандан сўнг бошқа мамлакатларга ҳам тарқалган.

Ана шу ажойиб товланувчи, хилма-хил шаклга эга бўлган олтин балиқлар учун 1850 йилда инглиз химиги Варрингтон махсус идиш ясади. Идиш тўғри бурчакли шишадан ясалган бўлиб, балиқларни ҳар тарафдан кўриш имкониятини вужудга келтирган. Шундан бошлаб, кўп жойларда олтин балиқлар шу идишда боқишга ўрганилган.

Ана шу шишадан ясалган тўғри бурчакли уйча кейинчалик аквариум деб аталган. Аквариум (лотинча — ҳовуз) сув ҳайвонларини узоқ вақт тирик сақлаш учун ишлатиладиган сувли шиша идиш. Аквариумлар жуда хилма хил бўлиб, уларни хонадонларда ҳам учратиш мумкин. Катта аквариумлар борки, унда турли денгиз ҳайвонлари ва ўсимликлари парвариш қилиниб, кузатиш-тадқиқот ишлари олиб борилади. Бомбей, Неаполь, Севастополь, Батуми ва бошқа жойларда катта аквариум, океанарум ва дельфинарийлар ишлаб турибди. Аквариум ташкил қилиб, унда сув ҳайвонлари ва сув ўтларини парвариш қилиш — табиатшунослар тили билан айтганда табиатнинг кичик бўлагини яратиш демакдир.

Аквариум ва унга керакли жиҳозларни, шунингдек балиқлар, сув ўтлари, балиқлар учун озуқаларни зоомагазинлардан олиш мумкин. Албатта, аквариум ташкил қилинганда балиқларни фарқлай билиш лозим, чунки балиқлар: тирик туғувчи ва икра қўйиб кўпаювчи турларга бўлинади. Тирик туғиб кўпаювчи балиқлар: Гуппи, Меченосец, Гамбузия, Маллинезия ва бошқалар аквариумга тез мослашади, ортиқча меҳнат талаб қилмайди. Шунингдек улардан йил давомида бир неча бор насл олиш мумкин.

Биз юқорида номлари тилга олинган балиқлар табиий шароитда Марказий Америкада, иссиқ сув ҳавзаларида яшайди. Шунинг учун ҳарорат 18—24 даража иссиқ атрофида бўлиши, сувнинг шўрлиги 4 литр сувга бир ош қошиқда туз солиш ва сутка давомида 8—12 соат ёруғлик бериш, шунингдек маълум рацион асосида озиқлантирилса бўлгани.

Аквариумни безаш эса ўзингизга боғлиқ. Дид билан безалган аквариумни қулай жойга ўрнатиб ундан эстетик завқ олиш мумкин.

**М. АБДУРАҲМОНОВ.**

● Бу—қизиқ

# «БЕГОНА» ДАСТХАТ

Буюк француз адиби, Бальзак XIX асрнинг 20—30 йилларида «Сияэт», «Моде» каби журналларда ҳикояларн билан бир қаторда одатлар, либос ва модаларга бағишланган унча катта бўлмаган очерклар ҳам эълон қилган экан. Мазкур мақолалар қувноқ оҳангда ёзилиши, шу билан бирга, чуқур ижтимоий мазмун билан ажралиб турган.

Эркаклар учун галстукнинг аҳамияти қандай ўрин тутишини жуда яхши билган Бальзак 1827 йилда «Ун олтита тавсия билан галстук тақиш санъати» деб номланган китоб ёзиб, чоп эттирган. «Париж шаҳридаги афишалар луғати»ни тузишга ҳам ўзининг ҳиссасини қўшган.

Кунларнинг бирида Бальзак графология билан шуғулланиш ниятини билдирган. Бир аёл унга мактаб ўқувчиси дафтарларини келтириб, дастхатга қараб, боланинг келажагини айтиб беришни сўраган. Дафтарларни ўқиб чиққан Бальзак боланн ниҳоятда эҳтиёт деб топиб, ундан келажакда бир нимма кутиб бўлмайди, дейди. Дафтарларни келтирган аёл кулгидан ўзини тиёлмайди:

**«Азизим Бальзак, қандай қилиб сиз ўзингизнинг ўқувчилик йилларингиздаги дафтарингизни таниолмадингиз!»**

**Редактор**
**Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ**

3 ТОШКЕНТ ШЕР ОҚШОМИ

15 АПРЕЛЬ, 1985 й.

# ТЕЛЕПРОГРАММАЛАР

## ДУШАНБА, 15. IV

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Футбол шарҳи.
10.10 Болалар учун фильм. «Мен дўстлашган қизча».
11.25 Телефильмлар: «Қулонларнинг қайтиши», «Бешинчи бор тақсимлаш».
12.05 Духовой оркестр чалади.
12.30 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Анъаналар ворислари». Ҳужжатли фильмлар: «Анпилоговлар», «Оби ҳаёт».
16.00 «А. Аблабердиева куйлайди». Фильм-концерт (Тошкент).
16.35 «Объектив».
17.05 КХДР бадиий коллективларининг концерти.
17.30 «Ҳунар-техника билим юртларида нимага ва қандай қилиб ўргатишади?» 2-кўрсатув.
18.00 «Урушсиз дунё». Телефильм премьераси.
19.00 «Расмларда қуёш акси бор».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Ишлар ва одамлар». Подмосковье қишлоқ қурувчиларининг меҳнатни ташкил этиш ва ҳақ тўлашнинг бригада формасини такомиллаштириш иш тажрибасидан. 2-кўрсатув.
20.00 «Кузька учун уй». Мультфильм премьераси.
20.35 Л. Минкуснинг «Баядерка» балети.
21.30 «Время».
22.05 «Баядерка» балетининг давоми.
23.30 «Дунё воқеалари».
23.45 Футбол шарҳи.

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Аниқлик тўсиғи олдида». Илмий-оммабоп фильм.
19.00 Ритмик гимнастика.
19.30 «Советская женщина» журналининг соврини учун бадиий гимнастика бўйича халқаро мусобақалар.
20.05 Гандбол. Кубок эгаларининг кубоги. Эркаклар. Финал. МАСК — «Барселона» (Испания).
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Халқаро панорама».
21.30 «Время».
22.05 «Кашфиёт». Бадиий фильм.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 Табиатшунослик. Ўзбекистонда баҳор.
10.40 «Ерни ардоқланг». Телефильм.
11.30 Табиатшунослик. Ўзбекистонда баҳор (рус.).
11.50 «Кемалар қайтганда...» Телефильм.
12.00 Янгиликлар.

* * *

18.25 Янгиликлар.
18.30 «Сеҳрли най». Болалар учун фильм-концерт.
18.55 «Ғалаба паради қатнашчиси Б. П. Зайцев» (рус.).
19.10 «Зулфия ҳақида сўз».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «ЎзССР Давлат санъат музейи заллари бўйлаб». «Голландия живописи».
20.15 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Дирижёр ҳикоя қилади». Кўрсатувни ЎзССР халқ артисти З. Ҳақназаров олиб боради.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Пилла — бойлигимиз».
22.40 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Икки жангчи». Бадиий фильм («Ўзбекфильм», рус.).
24.00 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

18.15 Кўрсатувлар программаси.
18.20 «Совет хотин-қизлари». Кинопрограмма.
19.00 Врач маслаҳати. «Чекишнинг зарари ҳақида».
19.15 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Фестиваль йўлларидан» (такрорий).
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Катта йўлда». А. П. Чехов драматик этюди асосида телеспектакль (рус.).
21.30 МТ II

## СЕШАНБА, 16. IV

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Қадимий шаҳар». Чернигов ҳақида телефильм.
10.10 «Кашфиёт». Бадиий фильм.
11.35 «Концерт залида — мактаб ўқувчилари».
12.25 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Саксонинчи йиллар коммунистлари». Ҳужжатли фильмлар: «Платоновлар керак», «Ҳар хил ташвишлар», «Истеъдоди — врач».
16.15 «Стадион ҳамма учун».
16.50 «Сурия. Мустақиллик йиллари». Киноочерк.
17.10 Бутунроссия конкурсининг лауреати И. Ерохина чалади (домра).
17.25 «Ленин ватанида». Ҳужжатли фильм.
17.35 СССР Давлат академик рус хорининг концерти.
18.25 «Крококот», «Қуёш акси». Мультфильмлар премьераси.
18.45 «Сиз яратган боғ».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Шу куннинг почтаси». Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи В. Бекетов олиб боради.
20.05 М. Балакирев. «Исламей». Шарқ фантазияси.
20.15 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Ғалаба стратегияси». Кўп серияли телефильм премьераси. 9-фильм — «Агар душман таслим бўлмаса...»
21.30 «Время».
22.05 Композитор Л. Лядованинг ижодий кечаси. Танаффус пайтида (22.45)—«Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Денгиз қиссаси». Телефильм.
9.35, 10.35 Табиатшунослик. 2-синф. Кўкламги меҳмонлар.
9.55 «Урал шимолида». Илмий-оммабоп фильм.
10.05, 13.40 Француз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
10.55 «Черемош бўйлаб, пастга қараб». Илмий-оммабоп фильм.
11.05 Қизиқарли физика. «Менга таянч нуқтасини беринг...» 3-кўрсатув.
11.40, 12.40 Музика. 7-синф. М. П. Мусоргский.
12.10 «Оила ва мактаб». Тележурнал.
13.10 Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. 8-синф. «Меҳнаткашлар учун, меҳнаткашлар орқали». Халқ депутатлари Советларининг вазифалари ва иш формалари ҳақида.
14.10 Тасвирий санъат. Рус ёғоч меъморчилиги.
14.40 «Дарслардан сўнг». Тележурнал.
15.25 «М. Шагинян». Ҳужжатли фильм. 1-фильм.
16.25 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.45 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
19.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!»
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Музикали киоск».
21.15 «Келажак деҳқонлари». Телефильм.
21.30 «Время».
22.05 «Тумандаги икки узун гудок». Бадиий фильм.
23.20 СССР космонавт-учувчиси В. Н. Волков хотираси учун акробатика бўйича халқаро мусобақалар.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 «Совет Иттифоқи шаҳарлари». Кинопрограмма.
11.30 Физика. Газларда электр токи.
12.00 «Лосос балиғи сири». Илмий-оммабоп фильм.
12.30 Адабиёт. Р. Тагор — ҳинд адабиётининг етук намояндаси.
13.00 Янгиликлар.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.15 «Халқ истеъмоли молларига — юқори сифат» (рус.).
18.45 «Болтадан пиширилган бўтқа», «Чол ва дарахт». Мультфильмлар.
19.00 Телевизион новеллалар театри. М. Ҳазратқулов. «Ваъда».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Камера фош этади». «Сохта санам».
20.30 «Ахборот».
20.50 «Ёшлар куйлаганда...» Концерт.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Экиш: суръат ва сифат».
22.25 А. Островский. «Ҳар тўкисда бир айб». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.

● ЎзТВ II

9.00 — 16.30 МТ II
18.10 Кўрсатувлар программаси.
18.15 Халқаро хотин-қизлар куни — 8 Мартга бағишланган байрам программаси (такрорий).
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 Биология. Биогеоценозлар. Организм ва муҳит.
20.50 «Фақат гуллар». Телефильм.
21.00 Адабиёт. Ҳ. Олимжон — бахт ва шодлик куйчиси.
21.30 МТ II

## ЧОРШАНБА, 17. IV

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Ғалаба стратегияси». Кўп серияли телефильм. 9-фильм—«Агар душман таслим бўлмаса...»
10.50 «Саёҳатчилар клуби».
11.50 «Тумандаги икки узун гудок». Бадиий фильм.
13.05 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 Ёнғиннинг олдини олиш ҳақида ҳужжатли фильм премьераси.
15.40 «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар».
16.10 Халқаро конкурс лауреати Т. Климова чалади (фортепьяно).
16.50 «Сенинг ленинча кутубхонанг». В. И. Ленин. «Буюк Почин».
17.30 «Кампучия уфқлари». Киноочерк.
18.00 С. Орехов чалади (гитара).
18.20 «Табиатнинг дўстига айланиш учун». Кўрсатувда РСФСР Ўрмон хўжалиги министрининг ўринбосари Р. В. Бобров иштирок этади.
18.55 Стратегик мақсадлардаги ракета қўшинлари ҳақида ҳужжатли фильм премьераси. «СССР Қуролли Кучлари» туркумидан.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Дунё ва ёшлар».
20.05 В. Кунченко куйлайди.
20.15 «Лаҳзаларни тўхтатмай». Илмий-оммабоп фильм.
20.25 Х. Луйк. «Хайрли соатда». Телеспектакль.
21.30 «Время».
22.05 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Бу йўлларни биз асло унутмаймиз». М. Луконин поэзияси.
22.30 «Генетиклар, нималар устида ишлаяпсиз?» Илмий-оммабоп фильм.
22.50 Хоккей бўйича жаҳон чемпионати. СССР — АҚШ терма командалари. 2-ва 3-даврлар. ЧССР дан олиб кўрсатилади.
24.00 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Ўгит». Телефильм.
9.35, 10.35 География. 7-синф. Узоқ Шарқ табиати.
10.05, 13.40 Немис тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
11.05 Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига. Физика. Электр энергиясини ишлаб чиқариш ва узатиш.
11.35, 12.40 Тарих. 9-синф. Индустрлаштириш йўлидан.
12.05 «Сиз яратган боғ».
13.10 Астрономия. 10-синф. Галактикалар.
14.10 С. Гудзенко поэзияси.
14.45 «Бил ва уддала». Мактаб ўқувчилари учун илмий-ўқув кўрсатуви.
15.15 «М. Шагинян». Ҳужжатли фильм. 2-фильм.
16.05 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Қишлоқ янгиликлари».
19.50 «Инерция пайти». Илмий-оммабоп фильм.
20.00 «Шахмат мактаби».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.50 «Севги қўшиқлари». Фильм-концерт.
21.30 «Время».
22.05 «Июлда ёққан қор». Телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия.
23.10 «Бўлғуси кашфиётга шарҳ». Илмий-оммабоп фильм.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 «Чегарада ўқ узилди». Бадиий фильм.
11.30 Ботаника. Гул ва мевалар.
12.00 «Сўз кетидан сўз келар». Рус тилида сўзлашишга ўргатиш.
12.20 «Чемпион бўлишни хоҳлайман». Телефильм.
12.30 Химия. Алюминий, унинг қотишмалари ва уларнинг аҳамияти.
13.00 Янгиликлар.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.15 «Сирли қуш», «Дўстлар». Мультфильмлар.
18.40 Янгийўл шаҳар 1-болалар музика мактаби тарбияланувчиларининг концерти.
19.00 «Ичкиликка қарши курашайлик». Кинопрограмма.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Театр учрашувлари».
20.30 «Ахборот».
20.50 «Совет Ўзбекистони композиторлари». М. Бурхонов.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги.
22.20 «Совет Ўзбекистони композиторлари». М. Бурхонов (давоми).
23.40 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

9.00 — 16.10 МТ II
18.15 Кўрсатувлар программаси.
18.20 Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. Жиноят ҳуқуқи.
18.50 «Денгиз орзуси». Телефильм.
19.10 Ўқитувчи экрани. Муқимий ижодини ўрганиш.
19.40 «Алоҳида чегара». Ҳужжатли фильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Бурчга садоқат...»
20.50 «Этюд». Телефильм.
21.00 «Ёнғиндан эҳтиёт бўлинг» (рус.).
21.30 МТ II

## ПАЙШАНБА, 18. IV

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Мактаб ўқувчиларининг Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССРда хизмат кўрсатган синовчи-учувчи С. Н. Анохин билан учрашуви.
10.25 «Ҳайвонот оламида».
11.25 Мультфильмлар: «Столни қандай қилиб ғашиб келтиришди», «Ваня борарди» картинаси».
11.40 «Қалбга яқин қўшиқлар».
12.10 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Фан ва меҳнат иттифоқи». Ҳужжатли фильмлар: «Атоммаш — XXI асрга йўл», «Резервлар».
15.55 «Моҳир қўллар».
16.25 «И. Бржевская куйлайди». Фильм-концерт.
16.40 Алкоголизм зарари ҳақида илмий-оммабоп фильмлар: «Алкоголь ва меҳнат», «Тасодифми?», «Фақат бир рюмка».
16.55 Виолончелистлар ансамбли чалади.
17.10 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
17.55 «Миллионлар ленинча университети».
18.30 Футбол бўйича жаҳон чемпионатининг саралаш матчи. Швейцария — СССР терма командалари. 2-тайм. Швейцариядан олиб кўрсатилади.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Халқ куйлари янграйди.
19.50 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Солдат отаси». Бадиий фильм.
21.30 «Время».
22.05 Хоккей бўйича жаҳон чемпионати. Финляндия — СССР терма командалари. ЧССРдан олиб кўрсатилади .Танаффус пайтида (23.35) — «Дунё воқеалари».
00.35 Оқшом тароналари.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Дадам автомобиль сотиб олди». Телефильм.
9.35, 10.35 Умумий биология. Экологик системалар.
10.05, 13.35 Испан тили.
11.05 В. В. Маяковский. «Мен кашф этган Америка».
11.35, 12.40 Физика. 9-синф. Электромагнетизм қонунлари ва уларнинг қўлланилиши.
12.05 «Шахмат мактаби».
13.10 Зоология. 7-синф. Қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари.
14.05 Ж. Рид. Ҳаёти ва ижоди саҳифалари.
14.50 «Нина». Бадиий фильм, субтитр билан.
16.10 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Мерцишор-85» Бутуниттифоқ музика фестивалининг якунловчи концерти. Кишинёвдан олиб кўрсатилади.
19.35 МУРМАНСК ТЕЛЕСТУДИЯСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.50 «А. Ильченко кемалари». Ҳужжатли фильм.
21.00 «Онамларнинг мактаби».
21.30 «Время».
22.05 «Июлда ёққан қор». Телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 «Рассом ва ойна». Телефильм.
10.35 «Кенжа қиз». Республика Қўғирчоқ театрининг спектакли.
11.30 ЎзССР тарихи. Ўзбекистон ССРнинг ташкил топиши (рус.).
12.00 «Киев ҳақида табассум билан». Телефильм.
12.30 ЎзССР тарихи. Ўзбекистон ССРнинг ташкил топиши.
13.00 Янгиликлар.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.15 «Сўз кетидан сўз келар». Рус тилида сўзлашишга ўргатиш (такрорий).
18.35 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Биз — 80-йиллар комсомоллари».
19.05 «Интизом — умумхалқ иши» (рус.).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Эртага — премьера». «Ғалаба» бадиий фильмининг Бутуниттифоқ премьераси ҳақида (рус.).
20.30 «Ахборот».
20.50 Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси солистларининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Қўзилатиш кампанияси — чорвадорлар учун масъулиятли давр».
22.25 Ҳамза номидаги ЎзССР Давлат мукофоти лауреати А. Ориповнинг ижодий кечаси.
23.45 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

9.00 — 16.15 МТ II
18.15 Кўрсатувлар программаси.
18.20 Ж. Рид. «Дунёни титратган ўн кун».
19.30 Реклама.
19.40 «Ким бўлиб етишасиз?» Ҳужжатли фильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Туғилган кунинг билан, қадрдон армиям!» (такрорий).
21.05 «Халқ назоратчилари» (рус.).
21.30 МТ II

## ЖУМА, 19. IV

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Ўсмирлар ижоди».
10.20 «Солдат отаси». Бадиий фильм.
12.00 А. Головин. Торли квартет.
12.20 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 Мамлакат телевидение студиялари ҳужжатли фильмлари.
15.55 «Рус тили».
16.25 «Ткзар». фольклор ансамблининг концерти.
16.50 «Билимимиз — қудратимиз». Тележурнал.
17.35 «Эртак ҳузурида меҳмонда». «Қийшиқ ойналар қироллиги». Бадиий фильм.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Ҳамдўстлик». Тележурнал.
20.00 Арфа квартети чалади.
20.15 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Ғалаба стратегияси». Кўп серияли телефильм премьераси. 10-фильм — «Бош йўналишда».
21.30 «Время».
22.05 «Биргалашиб куйлайлик, дўстлар».
23.40 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Тинч океандаги дозор». Ҳужжатли фильм.
9.35, 10.35 В. П. Катаев. «Полк ўғли». 4-синф.
10.05, 14.00 Инглиз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
11.05 Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига. Эстетик тарбия. Музика санъатнинг тури сифатида. 2-кўрсатув.
11.40, 12.40 Б. Н. Полевой. «Чин инсон ҳақида қисса». 5-синф.
12.10 Совет тасвирий санъати. А. Пластов ижоди.
13.10 Тарих. 7-синф. М. В. Ломоносов.
13.35 Зоология. 7-синф. Жониворларнинг аҳамияти ва уларни муҳофаза қилиш.
14.30 Я. Купала поэзияси.
15.05 А. П. Чехов. «Уч опа-сингиллар».
16.05 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.45 Ўқитувчига — музика сабоғи. 5-синф. 1-кўрсатув.
19.45 Ритмик гимнастика.
20.15 Халқ куйлари.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 С. Рахманинов. «Қўнғироқлар». Оркестр, хор ва солистлар ижроси учун ёзилган поэма.
21.30 «Время».
22.05 «Соҳилга рухсат». Бадиий фильм.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 «Бир қарич ер». Ҳужжатли фильм.
10.50 Мактаб ўқувчилари учун. «Қўшиғим, жон қўшиғим» (такрорий).
11.30 Рус адабиёти. А. П. Чеховнинг «Ғилоф бандаси» ҳикояси (рус.).
12.00 «Тўйдан сўнг». Телефильм.
12.30 Жамиятшунослик. Коммунистик ахлоқ.
13.00 «Замандас». Қишлоқ хўжалик ходимлари учун кўрсатув (қозоқ тилида).
13.50 Янгиликлар.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.15 «Ҳаёт каби тирик».
18.45 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. Ойбек. «Қизлар».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Инсон ва қонун» программаси почтасидан.
20.15 «Экиш кундалиги».
20.30 «Ахборот».
20.50 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Жангларда янграган қўшиқлар».
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Дунё воқеалари».
22.35 «Кино оламида».
23.45 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

9.00 — 16.10 МТ II
18.15 Кўрсатувлар программаси.
18.20 «Қишлоққа — мукаммал техника». Ҳужжатли фильм.
18.40 Классик куй саҳифалари.
19.15 «Ёшлик» студиясининг почтаси».
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Ер ва эл». Кинопрограмма.
21.30 МТ II

## ШАНБА, 20. IV

### БУТУНИТТИФОҚ КОММУНИСТИК ШАНБАЛИГИ

● МТ I

9.00 «Время».
9.35 «Ғалаба стратегияси». Кўп серияли телефильм. 10-фильм — «Бош йўналишда».
10.50 «Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик».
11.20 «Ўртоқ қўшиқ» Бутуниттифоқ телевизион конкурси.
12.10 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Ғолиблар». Фронтдош дўстлар клуби. 31-армия ветеранларининг учрашуви.
13.30 «Оила ва мактаб». Тележурнал.
14.00 «Камалак» халқ ижодиёти телевизион программаларининг VI Халқаро фестивали. «Икки сайёҳ созанда» (ГДР).
14.30 «Дунё воқеалари».
14.45 Коммунистик шанбалик кундалиги.
15.00 «В. И. Ленин. Ҳаёти саҳифалари». «Бир бор танланган йўл». 3-фильм—«Етуклик».
16.00 Сиёсий шарҳловчи Г. В. Пряхин суҳбати.
16.30 «Мўъжизасиз-мўъжизалар».
17.30 Коммунистик шанбалик кундалиги.
17.45 «Московский» совхоз-комбинатининг академик хори ижро этади.
18.00 «Европага хавф — оламга хавф». Ҳужжатли фильм премьераси.
19.05 «Цирк майдонида».
19.50 «Номингни унутма». Бадиий фильм «Мосфильм» ва «Иллюзион» (Польша).
21.30 «Время».
22.15 «Сменадан сўнг». С. Орджоникидзе номидаги «Москва ишлаб чиқариш бирлашмаси станоксозлик заводи»да Бутуниттифоқ Коммунистик шанбаликка бағишланган концерт.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Агар соғлом бўлай десанг».
9.30 СВЕРДЛОВСК ТЕЛЕСТУДИЯСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.
10.50 «Тонгги почта».
11.10 Ҳужжатли фильмлар.
12.00 «Саёҳатчилар клуби».
13.00 «Болдино қуёнлари».
13.20 «Инсон — замин соҳиби».
14.20 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Агар тошлар тилга кирганда». Музикали кўрсатув.
15.30 Поэзия. П. Богданов.
16.00 «Дебют». Молдавия ССР Давлат академик опера ва балет театрининг ёш солистлари.
16.30 «Балли, қизлар!»
18.10 Куба куйлари ва оҳанглари.
18.35 «Яйловларда ўтиб бораётган ёз». Телефильм.
18.45 «Мушукнинг уйи». Мультфильм.
19.00 «Ёзувчи ва замон». Ю. Ритхэу.
20.15 «Халқаро обзор».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Здоровье».
21.30 «Время».
22.05 Хоккей бўйича жаҳон чемпионати. СССР — ГДР терма командалари. ЧССРдан олиб кўрсатилади.
00.30 Хоккей бўйича жаҳон чемпионати. Швеция — Финляндия терма командалари. 3-давр. ЧССРдан олиб кўрсатилади.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 «Дўстлик тароналари». Концерт.
11.00 «Саломат бўлинг». Физкультурачиларга маслаҳатлар.
11.15 «Инсон ва унинг иши». Кинопрограмма.
12.00 «Бугун — Ленинча Коммунистик шанбалик». Октябрь революцияси номли Тошкент тепловоз-ремонт заводидан репортаж.
12.30 «Мусиқа жавони» (такрорий).
13.10 В. И. Ленин туғилган куннинг 115 йиллигига. Эркин Воҳидов. «Буюк ҳаёт тонги».
13.40 Коммунистик шанбалик кундалиги.

* * *

18.30 Кўрсатувлар программаси.
18.35 Ўзбекистонда XIV Бутуниттифоқ болалар ва ўсмирлар музикаси ҳафталигининг очилиши.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.50 Шанбалик қатнашчилари учун концерт.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Зарипов йигитлари». Цирк программаси.
21.30 Москва. «Время».
22.15 «Дарё орти, олис қишлоқда». Бадиий фильм.
23.30 Кўрсатувлар программаси.

● ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

9.00 — 16.30 МТ II
17.50 Кўрсатувлар программаси.
17.55 Мактаб ўқувчилари учун. «Олға, карнайчилар!»
18.25 «Дунё кезиб оламни танийсан».
19.00 «Новости».
19.20 «Жаҳон бир ҳафта ичида».
19.35 Теленовелла.
20.00 «Ахбор».
20.25 «Дугонахо» телевизион клуби.
21.30 МТ II

## ЯКШАНБА, 21. IV

### СОВЕТ ФАНИ КУНИ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Бадиий ҳаваскорлар ижодиёти Бутуниттифоқ кўриги.
10.00 «Тез орада мен болалик билан хайрлашаман». Телефильм премьераси.
10.20 «Спортлото»нинг 16-тиражи.
10.30 «Будильник».
11.00 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!».
12.00 «Здоровье».
12.45 «Тонгги почта».
13.15 «Қишлоқ янгиликлари».
14.15 «Музикали киоск».
14.45 «Дўстлик йўлларидан». СССР ва ПХР ҳамкорлиги ҳақида киноочерк.
15.05 С. Дангулов. «Эътироф». Фильм-спектакль.
17.30 «Бугун — Совет фани куни». Кўрсатувда СССР ФА президенти, академик А. П. Александров, Фан ва техника соҳасида СССР Давлат комитетининг раиси, академик Г. И. Марчук иштирок этадилар.
18.00 «Хатларингиз асосида...»
18.45 «Халқаро панорама».
19.30 «Шодлик қўшиғи». Мультфильм.
19.55 «Бу яқиндагина содир бўлган эди». С. В. Образцов 30-йиллардаги совет эстрадаси ҳақида ҳикоя қилади.
20.45 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Зенит» — «Динамо» (Тбилиси). 2-тайм.
21.30 «Время».
22.05 Хоккей бўйича жаҳон чемпионати. ГФР — СССР терма командалари. ЧССРдан олиб кўрсатилади.
00.30 Янгиликлар.

● МТ II

9.00 «Зарядкага сафланинг!»
9.15 «Рус тили».
9.45 Ритмик гимнастика.
10.15 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Москва) — «Динамо» (Киев). 2-тайм.
11.05 СССР халқ артисти Д. Шафран ва республикада хизмат кўрсатган коллектив, Латвия ССР давлат филармонияси камер оркестрининг концерти.
12.05 Хоккей бўйича жаҳон чемпионати. Канада — АҚШ терма командалари. 3-давр.
12.45 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Улуғ Ватан уруши» киноэпопеяси. 18-фильм — «Берлин учун жанг». 19-фильм — «Урушнинг сўнгги жанги».
14.20 «Эртак ҳузурида меҳмонда». «Қийшиқ ойналар қироллиги».
16.00 «Дунё ва ёшлар».
16.35 «Камалак» халқ ижодиёти телевизион программаларининг VI Халқаро фестивали. «Икки сайёҳ созанда» (ГДР).
17.05 «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар».
17.40 Лятошинский номли камер хори куйлайди.
18.00 «Ҳайвонот оламида».
19.00 Россияда 1905—1907 йиллардаги революциянинг 80 йиллигига. «Муқаддима». Бадиий фильм.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Машҳур совет композиторлари — Ленин мукофотининг лауреатлари».
21.30 «Время».
22.05 «Хайрли тонг». Бадиий фильм.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 В. И. Ленин туғилган куннинг 115 йиллигига. «Кинопублицист экрани».
11.10 «Ўзбекистон спорти» (рус.).
11.40 «Мовий филча». Мультфильм.
11.50 Мактаб ўқувчилари учун. «Светофор».
12.50 В. Тендряков. «Хайрлашув кечаси». Ҳамза номидаги Қўқон Давлат Ўзбек музикали драма театрининг спектакли.
14.15 «Буни ҳамма билиши ва уддалаши керак».
14.45 Реклама.

* * *

17.55 Кўрсатувлар программаси.
18.00 Ўзбекистонда XIV Бутуниттифоқ болалар ва ўсмирлар музикаси ҳафталигининг тантанали ёпилиши ҳамда мактаб ўқувчилари XI республика «Санъат байрами» конкурси лауреатларининг якунловчи концерти.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Фан уфқлари». Совет фани кунига бағишланади.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Дебют». Ёш хонандаларнинг телевизион конкурси. М. Ёқубова, Х. Ҳасанов.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Виждон». Бадиий фильм.
23.25 Кўрсатувлар программаси.

● ҚИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

9.00 — 16.00 МТ II
16.00 Кўрсатувлар программаси.
16.05 «Экран — болаларга».
16.20 «Бугун — Совет фани куни».
17.10 «Халилада тўрт кун», «Ленин ҳақида сўз», «Барҳаёт Ленин». Хроникал-ҳужжатли фильмлар.
18.25 Аэробика билан шуғулланувчилар учун. Кўргазмали чиқишлар.
18.45 Москва. «Халқаро панорама».
19.30 Телетомошабинларнинг талабларига биноан концерт.
20.00 Техника тараққиёти йўлидан. «НОТдан конструкциягача».
20.30 Ўш кўрсатади.
21.00 «Ошкора суҳбат». «Яна бир бор ёдгорликлар ҳақида».
21.30 МТ II

## КИНО

15, 16 АПРЕЛДА БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ҚАДРДОН УМРАО» — **Санъат саройи** (катта залда; 11.00, 13.30, 14.00, телефон 44-21-44).

«СЕВИШ ВАҚТИ КЕЛДИ» — **Санъат саройи** (кичик залда, 12.00, 14.30, 17.00, 19.30).

«АФРИКАЛИК» — **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-20); **Қозоғистон** (11.00, 12.00, 14.00, 15.00, 17.00, 18.00, 20.00, 21.00, телефон 35-24-92); **Ватан** (тоқ соатларда); **Москва** (тоқ соатларда); **Восток** (10.30, 12.00, 14.00, 15.00, 18.00, 20.00, 21.30).

«ТУТСИ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 33-41-83); **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (телефон 78-47-25), **Ҳамза номли** (11, 13.30, 14, 18.30).

«ПЕШҚАДАМ» — **Дружба** (тоқ соатларда, телефон 66-11-59).

«ХОЛИС НИЯТЛАР» — **Дружба** (жуфт соатларда).

«АЗИЗ, ҚАДРДОН, СЕВИМЛИ ТАНҲОГИНАМ» — **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-11-76).

«ЭКИПАЖ» — **К. Ёрматов номли** (11, 14, 17, 20.00, телефон 24-22-66).

## ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА —16/IVда **Пётр Биринчи**, 17/IVда **Тўмарис**, 18/IVда **Фидойилар**.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА —16/IV да **Келинлар қўзғолони**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА —17/IV да **Олифта**, 18/IV да **Узилган торлар**.


ҲУРМАТЛИ КИНОТОМОШАБИНЛАР!

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ КИНОЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИ

СИЗЛАРНИ ЯНГИ ИККИ СЕРИЯЛИ

«Ғ А Л А Б А»

БАДИИЙ ФИЛЬМИНИ ТОМОША ҚИЛИШГА

ТАКЛИФ ЭТАДИ

**Сценарий муаллифлари —В. ТРУНИН, Е. МАТВЕЕВ.**
**Режиссёр — Е. МАТВЕЕВ.**

**Ролларда: А. МИХАЙЛОВ, А. МИРОНОВ, Г. МЕНГЛЕТ ва бошқалар.**

Фильм асосида икки тарихий воқеа: — уч буюк давлат — СССР, Англия, АҚШ ҳукумат бошлиқларининг 1945 йилги Потсдам конференцияси ва 1975 йили Хельсинкида Европа хавфсизлиги ва ҳамкорлигига бағишлаб ўтказилган кенгаш ётади. Бу икки воқеа фильм бош қаҳрамони — совет журналисти Воронин кўз олдидан ўтади.



**Фильмни «МОСФИЛЬМ»** (СССР) **ва «ДЭФА»** (ГДР) **киностудиялари ҳамкорликда яратган.**

**МАЗКУР КАРТИНАНИ ҚУЙИДАГИ КИНОТЕАТРЛАРДА ТОМОША ҚИЛИШИНГИЗ МУМКИН:**
«САНЪАТ САРОЙИ», «ЧАЙКА», «ВАТАН», «НУКУС», «ҚОЗОҒИСТОН», «ДРУЖБА», «ВОСТОК», «ТРАКТОРНИЙ».


«Узсельстройиндустрия» трестининг Сергели ёғочни қайта ишлаш заводи коллективи завод директори Т. А. Турсунхўжаевга отаси **Азим ТУРСУНХЎЖАЕВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Болалар дунёси» чакана-савдо фирмаси коллективи фирманинг кекса ходими, галантерея бўлими катта товаршуноси **Наби ҚОСИМЖОНОВнинг** вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.




ТОШКЕНТ ОҚШОМИ («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»)
—орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и Ташгорсовета.
(Газета бир йилда 300 марта чиқади).

БИЗНИНГ АДРЕС:
700047, ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Телефонлар: секретариат — 33-57-02: бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 33-08-74; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-55-39; Совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот —33-28-95; спорт ва ҳарбий ватанпарварлик ишлари— 32-55-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 33-81-42.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р —12195. Индекс 64690. Б-2015. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.